Оила ва жамият
Oila va jamiyat
1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган
27 сон
3 — 9 июл 2003 йил
ҲАР ҲАФТАНИНГ ПАЙШАНБА КУНЛАРИ СИЗНИНГ БЕҒАРАЗ СУҲБАТДОШИНГИЗ

# ВАТАНДА ИЛОҲИЙ СЕҲР БОР



Ҳар бир ниҳол ўз боғида, унган тупроғида барқ уради. Унинг яйраб ўсиши она тупроқнинг саҳовати ва муҳаббати туфайлидир.

Ҳар бир қуш ўз инида ҳаловат топади. Тоғлар, баҳайбат ва муаззам тоғлар эса уни кўтариб турган она ернинг ишқидан мағрур самоларга бўй чўзадилар.

Балки шунинг учун ҳам тилло қафасга солинган булбул Ватан ҳажрида хаста бўлиб сайрашни унутгандир.

Ватанда бир илоҳий сеҳр бўлади. Бу сеҳр шоҳни ҳам, гадони ҳам баробар маҳв этади.

Ватан юракдаги энг буюк эътиқоддир. Зеро, эътиқоди йўқнинг Ватани, Ватани йўқнинг эътиқоди бўлмайди. **Ривоят қилишларича қадим донишмандлар бир-бирлари билан танишаётганларида исмларини эмас, Ватанларини айтиб танишар эканлар.** Чунки Ватан ўша инсоннинг бор моҳиятини, яралмиш илоҳиётларини ҳамиша ўз бағрига яширар экан. Шунинг учун ҳам ўтмишдаги фикр даҳолари, сўз заргарлари ҳамиша ўз номларига туғилган юртларининг номини биргаликда қўшиб қўллар эканлар. Ал-Фаробий, Ал-Хоразмий, Беруний, Жалолиддин Румий сингари даҳоларнинг номлари бунга яққол далолатдир.

**"Сен менга ўз тупроғингдан, Ватанингдан сўзла, мен сенга ўзингдан сўзлайман"**, - дейди буюк Шайх, тасаввуф оламининг султони Шайх Жунайд Бағдодий.

Замонлар ўтади, даврлар ўзгаради, лекин одамзод тафаккурида муқаддас саналган нарсалар ҳеч қачон ўз қимматини йўқотмайди.

Инсон кўзида муҳрланган бир илоҳий сурат бор. Бу сурат инсон туғилган лаҳзасидаёқ унинг қорачиқларида акс этиб, то умрининг сўнггигача уни тарк этмайди. Бу илоҳий сурат 72 томирни оралаб қоннинг жилвасида ҳам акс этади. Балки, шунинг учун бўлса керак, саҳрода ўсган кимса жаннат боғларидай гўзал юртга борганида ҳам, кўз ўнгидан ўсиб-улғайган макони-саҳро кетмас экан. Ҳар бир инсоннинг кўзида муҳрланган илоҳий сурат бу Ватан суратидир. Кўнглимиз тубида қалқиб оқаётган соғинчваш наволар кўзларда акс этган суратнинг ва ишқли сийратнинг хосиласи бўлса не ажаб...

Ватан деганда кўзларим олдида она ер бағрига маъсум бир тароват билан илдиз отаётган майсанинг титрашлари, эндигина тетапоя қилаётган жажжи гўдакнинг беғубор нигоҳлари гавдаланади. Зеро, гўдакларга хос тоза ҳайрат билан севиш керак Ватанни. Қадимдан халқ орасида: **"Кимки ўз Ватанини тарк этса, у ўз ҳаловатини ҳам тарк этади"**, - деган бир доно нақл бор. Зеро, чиндан ҳам Ватан бу юракдаги мангу ҳаловатдир. Ушбу илоҳий ҳаловатни ҳаргиз бу ёруғ оламдаги ҳеч бир хазина билан тенглаштириб бўлмайди. Чунки одамзод қалбида уйғонган энг эзгу туйғулар аввалида Ватан ишқи ётади.

**"Ватанни севмоқ иймондандир"**, - дейилади Қудсий ҳадисларда Ватаннинг ўзи иймон қадар мукаммал эътиқод эканлиги эътироф этилган ҳолда. Ҳолбуки иймонни танимоқ Ватанни севмоқдан бошланади.

Боболаримиз айтадиган бир нақл ҳамиша ёдимда: **"Отасидан айрилган бир кун йиғлайди, эл-юртидан айрилган ўлгунча йиғлайди"...**

Қайдаки осудалик бўлса, ўша ерда фаровонлик бўлади. Зеро, Ўзбекистон деган диёр ҳамиша эзгуликлар, илоҳий фароғатлар гўшасидир. Чунки бу бахти тўкин элни Улуғбеклари, Навоийлари, Темурдек соҳибқиронлари ўзларининг бедор руҳлари бирла осойишта тонглар салтанатига йўллаб туражак.

Қайдаки хотиржамлик бўлса ўша ерда омонлик мангу бўлади. Ушбу муродли диёрнинг истиқлоли мангу барҳаёт бўлсин.

Истиқлолдай илоҳий бахтга мушарраф бу юртнинг эртаси ҳамиша ободдир.

**Ҳалима ЖУМАНИЁЗОВА,**
**шоира, Республика "Ижодкор ўқитувчи" кўрик-танлови ғолиби**

***Таҳририятдан: Азиз юртдош! Беш фарзанд ўсиб етилаётган бир оиланинг бекаси, бегойими бўлиб, эл-юрт келажаги — болаларимизга ўзбек тили ва адабиётидан сабоқ бериб, яна ижод қилаётган, шоира Ҳалима Жуманиёзованинг шеърлари билан газетамизнинг 3-бетида танишасиз.***



# САОДАТ КАЛИТИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

***Ҳадемай, энг азиз, энг улуғ байрамимиз - Ўзбекистон мустақиллигининг 12 йиллигини катта тантаналар билан кутиб оламиз. Президентимиз Ислом Каримов бошчилигида истиқлолни ҳаётимизда барқарор ва боқий этиш, бу юрт, бу эл тарихи, шунингдек бугуни ҳам фахр-ифтихорли эканлигини, ана шу жиҳатдан Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин ва овозга эга бўлишга ҳақли эканлигини исботлаш ҳам осон кечмади. Оқ ва қора рангдан андоза олгандек ҳаётда ҳам кеча ва кундуз, шунингдек яхшилик ва ёмонлик мавжуд эканлиги сира исбот талаб этмайдиган ҳақиқатдир. Аммо оқ ва қора рангнинг, кеча ва кундузнинг фарқини англашимиз осондан-осон иш. Бироқ, яхшини ёмондан ажратишимиз баъзида қийин кечади. Президентимиз бежизга ҳамиша "Огоҳ бўлайлик",- деб уқтирмайдилар. Ўз-ўзимиз, оиламиз, маҳалламиз, жамиятимиз тинчлиги, соғ-омонлиги, бахту камоли йўлида ҳамдам, ҳамнафас бўлиб яшашимиз лозимлиги замон тақазоси эканлигини унутишга сира ҳаққимиз йўқ. Бот-бот ҳар биримиз бир марта бериладиган, ҳаётимиз мазмун-моҳияти ҳақида ўйлаб кўрайлик. Ҳар биримизга эҳсон этиб берилган ақлу фаросатимизни, қобилияту салоҳиятимизни, қўлимиздан келадиган имкониятимизни ўз ўрнида ишлата олаяпмизми? "Ватан — туғилиб ўсган хонадонингдан бошланади",- деган гап бор. Демак, биз ўзимиз ва ёнимиздаги яқинларимизнинг ҳаловатли турмушини кўзлаб ҳаракат қиларканмиз, бу интилишимиз эл-юрт саодати йўлидаги катта мақсад-ниятларга ҳам эшдир. Буни унутмаслигимиз лозим. Хўш, хонадондаги ҳаловатли турмушнинг асос-моҳияти нималардан таркиб топади?***

***Президентимизнинг "Огоҳ бўлайлик!" деган чақириғи яна ёдга келади. Бу чақириқ бизни мустақиллигимизни ёт кучлардан нафақат ҳимоялашга чорлайди, балки мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун ҳар биримиз имконимиз борича саъй-ҳаракат қилишимиз лозимлигига даъват ҳам қилади. Ўтаётган йилларимизнинг ҳар бири Президентимиз томонидан инсон манфаатларига боғлиқ тарзда номланиб, Давлат дастурлари асосида республикамизда бунёдкорона ишлари амалга оширилмоқда. Ватан шаъни-кўрки бўлган улуғ алломаларимиз қадрини янада улуғлаш, Ватан ичидаги Ватан саналувчи —оилани асраш, оиладаги аёл-онанинг руҳияти, саломатлигини муҳофаза этиш, келажагимиз бўлган ёш авлодга эътибор ва меҳр кўрсатиш, кексаларимизни ғамхўрлик билан ҳимоялаш, ўтганлар хотирасини ҳурмат билан ёдлаш, маҳалламизни обод қилиш... Хуллас, мақсад-муддао жаннатмакон Ўзбекистонни дунёдаги тараққий топган мамлакатлар қаторидан жой олишига эришишдан иборат.***

***Қадрли газетхон! Жонажон Ватан истиқлоли, истиқболи ҳақида ўйлаганда кўнглингиздан қандай ўйлар кечади? Мустақиллик йилларида оилангиз, маҳалла-ю, қишлоғингиз, шаҳрингизда, қандай ўзгаришлар юз берди? Дилингиз тубида қандай орзу-ниятларингиз бор? Ана шулар ҳақида бизга ёзиб, сувратингиз билан бирга (суврат оилавий ёки жамоа аъзоларингиз билан бирга туширилган бўлса ҳам майли) юборинг.***

**Бош муҳаррир**

# ЯХШИГУЛ МОМОНИНГ ЯХШИ НИЯТЛАРИ



Бахтни ҳар ким ҳар хил тушунади. Аммо Бухоро вилоятининг Қоракўл туманида яшовчи Яхшигул момо 125 ёшга кирган бўлса-да, ҳали ҳам бардам, тетик.

- Асли исмим Султонбиби бўлган, - дейди Яхшигул момо. - Аммо ёшлигимда кўп касал бўлганим учун ота-онам узоқ умр кўрсин, яхши кунларга етиб борсин деган яхши ният билан исмимни ўзгартиришган. Худога шукр, яхши кунларим кўп бўлди, яхши кунларда яшаяпман...

Яхшигул момонинг 9 фарзандидан ҳозир 3 таси ҳаёт. Момо 3 ёшидан бери ногирон 70 ёшли Ўрингул исмли қизига ҳалигача ўзи қарайди.

- Ҳовлимизда катта тут бўларди, - дея эслайди Яхшигул момо.- Хўжайиним отини шу тутнинг остига боғлаб қўярдилар. Эрталаб турганимизда кечагина ёйилиб ётган от ёллари чиройли қилиб ўрилган бўларди. "Отнинг ажинаси бўлади", деган гап ўша пайтлари ҳам бор эди. Ўрингул қизим от боғланган жойга эмаклаб борган... Ким билади, балки отнинг жинлари зарар қилган бўлса керак-да...

67 йилдан буён ногирон қизининг юзига термулиб, парвона бўлган онанинг сабру тоқатига қойил қолмай бўлмайди. "Қизимни бу аҳволда ташлаб кетгим келмайди", дея узоқ яшаши сабабини изоҳлаган бўлади Яхшигул момо.

- Турмуш ўртоғим меҳру оқибатли инсон эди, ҳаётнинг пасту баланди, оғир-енгилини биргаликда енгиб яшадик,- дея шукроналик билан сўзлайди Яхшигул момо.

Яхшигул момо яқингача ўзининг ва қизининг кийимларини ўзи ювар эди. Фақат шу йил апрел ойида 105 ёшли синглиси Сумбул бибининг вафотигина уни бироз чарчатиб қўйди...

- Яқинда момомнинг олд тишлари қайтадан чиқди, - дейди Яхшигул момонинг чевараси Ирода Ҳамроева. - Сут-қатиқ жону диллари. Тикиш-бичиш сирларини улардан ўрганганмиз. Момомнинг қизиқарли ҳикояларини мароқ билан тинглашдан зерикмаймиз.

25 та чевара, 10 та эваранинг бувижониси Яхшигул момони қишлоқдагилар меҳнаткаш, жонкуяр, ораста аёл деб таърифлашади.

Яхшигул момодек нуроний кексаларимиздан яхшилик, эзгулик дарсларини уқишга, ибратли умрларидан ўрнак олишга шошилайлик, азизлар.

**Ҳулкар ҲОТАМБОЕВА**

***Кўзчалари онаизорин излаган,***
***Мурғак қалби меҳрга тўймаган.***
***Туғилиб онаси кўкрагин эммаган***
***Гўдаклар уйининг жажжи боласи…***

Бир неча йил олдин Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасида бош мутахассис лавозимида ишлаганман. Ҳар куни ички ишлар ходимлари кўчадан топиб олган, онаси туғиб ўтлар орасига қолдир-




ган, туғрукхонага ташлаб кетилган, туғиб воз кечилган болалар учун гўдаклар уйига йўлланма ёзиб берар, бу билан улар тақдирига "Гўдаклар уйининг боласи" тамғасини босгандай бўлардим. Бу жуда оғир юк эди мен учун.

Одатдаги бир қабул эсимда... Хонамга чақалоғини кўтариб бир аёл кириб келди. Мен ўрнимдан туриб: "Вой, нега гўдак бола билан шу иссиқда келдингиз? Қўнғироқ қилсангиз, керакли ёрдамни берардим-ку", - дедим. Аёл эса ўта совуқлик билан: "Телефонда битадиган иш эмас. Мен боламни гўдаклар уйига топширмоқчиман. Барибир болани олиб келишим керак эди", - деди. Мен: "Боланинг отаси борми, у киши бу ҳақда биладими?", - десам, аёл тап тортмасдан:"Отаси йўқ, тасодифий учрашувдан пайдо бўлган", - деди. "Отаси бўлмаса ҳам ўзингиз туққан бола-ку, ҳадемай катта бўлиб қолади. Қийинчиликлар ортда қолади", - деб аёлни юпатмоқчи бўлдим. Аёл эса, ўша совуқ оҳангда: "Болани катта қилишга шароитим йўқ, тайинли яшаш жойим ҳам йўқ", - деди. Шундан кейин ортиқча гапга ўрин қолмади. Аёлга бошидан оёғигача разм солдим. Қўлидаги қўша тилло узук, қулоғидаги олтин балдоқни кўрган одам, аёл ночор эканига ҳеч ҳам ишонмасди. Гўдакка қарадим-у, бундан олдинги воқеа, яъни онаси болани бешикда қолдириб, ўзи кўнглини чоғлаш учун чиқиб кетган, бола тинмай йиғлайвергандан кейин, қўшниси маҳалла нозири, шифокор ва маҳалла оқсоқоли билан биргаликда уй эшигини бузиб киришиб, очликдан, сувсизликдан тинкаси қуриган болани ўлимдан сақлаб қолишгани кўз олдимга келди. Бу ҳол бир неча бор такрорланганлиги инобатга олиниб, аёл оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, бола гўдаклар уйига жойлаштирилган эди. Бу гўдакнинг ҳам тақдири шундай бўлмаслиги учун, аёлга ортиқча гапирмадим-да: "Ундай бўлса, воз кечиш ҳақида ариза ёзинг", - дедим. Аёл бола туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома билан уйда ёзиб келган аризасини олдимга қўйди. Мен ҳайрон бўлиб, унга савол назари билан қарадим. Аёл кўзини лўқ қилиб: "Мен биринчи боламни ҳам гўдаклар уйига топширганман. Аввалгисида вақтинча топширмоқчи эдим. Ҳокимиятнинг қарори керак деганлари учун, у ёқ - бу ёққа юришга сабрим ҳам, тоқатим ҳам йўқлигидан боламдан бутунлай воз кечганман. Ўшанда тушунтиришувдим, бутунлай воз кечсам - кимгадир боламни фарзандликка беришларини, кейин қайтариб ололмаслигимни. Нима қилибди? - Кимлардир тирноққа зор. Олишса олишаверсин", - деди. Мен болага йўлланма ёзаётган пайтимда гўдаклар уйининг бош шифокори бир иш билан ҳузуримга кириб қолди. Бу ҳам боланинг бахти бўлса керак. Мен вазиятни тушунтирганимдан кейин, бош шифокор болани ўзи машинасида олиб кетишини айтди. Аёл бундан фойдаланиб, хайр-хўшни ҳам насия қилиб, хонадан чиқиб кетди. Унинг зинапоядан пошнасини тақиллатганича тушиб кетиши нафратимни қўзғаганди. Қани энди замон кўтарса-ю, зарпечакни суғургандек, бундай офатларни жамиятдан юлиб ташласанг. Минг афсус...




Бир кунги ишимни гўдаклар уйида тарбияланаётган болаларнинг яшаш шарт-шароитлари билан танишишдан бошладим. Гўдаклар уйининг ҳовлисига қадам қўйишим билан атроф-муҳит тоза-озодалиги худди меҳмон кутаётган хонадонни эслатарди. Ҳовлида чиройли очилиб ётган гуллар худди оналари беролмаган меҳрни болаларга бермоқчидай оҳиста тебраниб ётарди. Гўдаклар уйининг бош шифокори билан бирга овқат тайёрлаш, кир ювиш хоналарини кўздан кечириб келарканмиз, йўлакда 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган, эрталабки нонуштадан кейин, тоза ҳавода ўйнаётган болаларга дуч келдик. Шу дақиқада бир болачанинг иккинчи болага ўзининг печеньесидан иккитасини бераётгани, ўтирган бола эса, оғзини тўлдириб уни еяётганига кўзим тушди. Болакайларнинг бир-бирига меҳрибонлигидан дилим яйраб кетди ва уларни эркалаб, бошини силадим. Шунда бош шифокор тўладан келган, оғзини тўлдириб печенье еяётган болани кўрсатиб: "Бу бизнинг тўймасвойимиз. Катта одамлардек овқат ейди. Қолган болалар ҳам буни билиб қолишганидан ўз егуликларининг ярмини шу болага беришди",- деди. "Булар бир-биридан қизғонишмайдими?", - десам: "Йўқ, улар худди туғишгандек бир-бирларини яхши кўрадилар", - деди. "Шундайми", деб эркалаганча болачаларга қарадим. Улар ҳам бизнинг табассумимизни кўриб, бир нарсани тушунгандек кулиб туришарди. Беихтиёр уларнинг кўзига қараб қолдим. Болалар юзида, лабида табассум, лекин кўзларида маъюсликни ҳис этдим. Одатда болаларнинг ўзларидан олдин кўзлари кулиши керак эди. Булар бошқа-бошқа ота-онадан туғилган бўлса-да, бугун ҳаёт уларни бир жойга тўплаб, бир-бирига ҳам ака-ука, ҳам опа-сингил қилиб қўйган. Бу ерда уларга қанчалик меҳрибонлик қилишмасин, оқ ювиб, оқ тарашмасин барибир ота-она меҳри, кўзларида эса ўша меҳр нурлари етишмаётгандек эди. Болаларнинг яшаш шароити билан танишиш учун бўлимга кирдик. Аввал 40 ўринга мўлжалланган соғлом болаларни тарбияланаётган болалар хонасини кузатар эканмиз, бир болача менга қараб талпинди. Дарҳол уни қўлимга олиб, бағримга босдим. Болача бирпас юзини кўксимга қўйиб турди-ю, кейин бирданига йиғлаб юборди. Бош шифокор шошиб қўлимдан болани олди-ю, менга қараб: "Сизни аввал ўз онасига ўхшатди. Сиздан онасининг ҳиди келмади шекилли, йиғлаб юборди", - деди. Бир ёшга энди тўлган бу боланинг бир ойда бир келиб кетадиган онасининг ҳидини билгани, жавдираб орамиздан онаизорини излаётганини кўриб, этим увишиб кетди. Болача менга қараб ўксиниб-ўксиниб, хўрсиниб-хўрсиниб йиғларди. Тарбиячиси болани олиб эркалаб овутди. Ўша тарбиячини кўрсатиб бош шифокор: "Бу опа шу даргоҳда 20 йилдан бери ишлайди. Болаларни жуда яхши кўради. Навбатчиликдан кетишда қайси бола этагини тутса, чарчаган бўлса-да, ўша болани уйига олиб кетади ва ўз онасидек қарайди", - деди. Кўзлари, юзлари меҳрга тўла бу аёлга қараб ҳавас билан: "Ўзингизнинг нечта фарзандингиз бор?"- деб сўрадим. У аёл кулиб туриб, тўртта фарзанди, 5 та невараси борлигини, ҳаммаси уй-жойли, ўзига тинч эканлигини айтиш билан бирга, невералари орасида мана шу болалардан бирортаси бўлмаса, нимадир етишмаслигини айтди. Ана шу кўнгли ўксик болаларга қилган меҳрибонлиги туфайли ҳам бу аёлга худо ўз марҳаматини дариғ тутмаган бўлса керак, деган хаёл билан туғма нуқсони бор болаларга мўлжалланган бўлимга ўтдик. Хонага киришим билан кўзим каравотда тирсагига таяниб, қўлига бошини қўйганча ёнбошлаб ётган, микроцефалияси (мия кичиклиги) бор болачага тушди. У шундай чиройли ёнбошлаб ётган эдики, шу кичкина миячаси билан қўлига таянганча дунёни ташвишларига ечим излаётганга ўхшарди. Болани эркалашга тушдим. Бола ҳаракатларимдан ўзича мийиғида кулган бўлди-да, яна жиддий тортди. Шифокор бу болача ҳам онасини кутаётганини, онаси ҳар уч-тўрт ойда бир келиши ва бу болача шу пайтни сезиб, ҳар сафар икки-уч кун шу ҳолатда ётиб, онасини кутиб олишини айтганида бутун вужудим титраб кетди. Ногиронлиги туфайли бу боладан воз кечган ўша ота-онани кўргим, уларга: "Сиз ногирон деб ўйлаган бола, ҳаётнинг бир синови, кичик мия билан бўлса-да онасини билгани ва кутганини, унинг кичкинагина жуссаси ота-она меҳрига зор эканини тушунтириб бергим келди. Қолган турли хил ногиронлиги бор болаларни ва уларга кўрсатилаётган ғамхўрликларни кўриб, бу даргоҳда худо кўнглига меҳр солган фидойи инсонлар ишлаётганлиги учун уларга миннатдорчилик билдириб, ташқарига чиқарканман, болалар олдидан кетгим келмаётганини айтдим. Шунда бош шифокор ҳар бир бола, хоҳ у соғ бўлсин, хоҳ у касал бўлсин ўз боласидек бўлиб қолганини айтди. Буни унинг ҳар битта болани тўлиқ билишидан ҳам билса бўларди. У яна соғлом болалар 3 ёшга, ногиронлари 4 ёшга тўлгандан кейин бошқа меҳрибонлик уйларига жўнатилаётганда болалар қўлларини олдинга чўзиб, автобусни бошига кўтариб йиғлашларини кўриш, ўзи учун жуда оғир эканлигини, бир неча кун ухлолмай юришини айтди. Бу гапдан кейин ўз болаларини турли сабабларга кўра гўдаклар уйига ташлаб кетган ота-оналар қандай ухлар экан, деган ўй хаёлимни банд этди. Гўдаклар уйидан қайтар эканман, йўл-йўлакай кўчадаги ота-онаси бағрида ўсаётган болаларни кузатдим. Уларнинг кўзларида маъюсликдан асар ҳам йўқ, аразлаб йиғлашида ҳам ўксиниш-хўрсиниш йўқ, кулганда ўзларидан олдин кўзлари кулишини фаҳмладим. Бутун борлиқдан меҳр нурларини олиб, гўдаклар уйидаги жажжи болаларнинг кўзларига сингдириб юборгим, уларнинг ҳам кўзлари кулишини чин дилдан истадим. Лекин бунинг иложи йўқлигига, мени онасига ўхшатиб талпинган, эркалаганимда эса мендан онасини ҳидини топа олмаган болачани ўксиниб-ўксиниб, хўрсиниб-хўрсиниб йиғлаганидан кейин амин бўлдим. Уларнинг кўзига меҳр нури ва кулгини фақатгина уларни дунёга келтирган ота-оналари сингдириши мумкин эканини тушуниб, гўдаклар уйидаги болаларнинг оналарига қарата: ***«Болангиз хоҳ ногирон бўлсин, хоҳ тасодифий учрашувдан пайдо бўлган бўлсин, ёки отаси ташлаб кетган бўлсин, уларни бағрингизга қайтаринг, ахир сиз онасиз-ку, наҳотки болангизнинг кўзлари кулишини, нурга тўлишини истамайсиз. Ахир ўша кўзчалар Сизларни, ОНАИЗОРИНИ излаяпти-ку», - дегим келди.***

**Муаззам МЕЛИЕВА,**
**тиббиёт фанлари номзоди,**
**Республика "Оила"**
**илмий-амалий маркази**
**бўлим бошлиғи**

*Ҳуқуқий дарсхона*

# ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА БОЛАЛАР МУҲОФАЗАСИ

***(Боши ўтган сонларда.)***

***Меҳнат қонунчилиги аёлларга қандай имтиёзлар беради?***

Меҳнат қонунчилигида аёлларга оилавий вазифаларни бажариш муносабати билан имтиёзлар белгиланган. Меҳнат кодексининг 229-моддасига биноан, ҳомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлнинг, оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган шахснинг илтимосига кўра, иш берувчи (маъмурият) тиббий хулоса асосида тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилашга мажбур.

Аёлларга йиллик таътиллар бериш навбатини белгилашда ҳамда ҳомиладорлик ва туғиш таътилларини беришда ҳам қонунчилик муайян имтиёзларни назарда тутади. Ҳомиладор аёлларга ва фарзанд кўрган аёлларга йиллик таътиллар, уларнинг хоҳишига кўра, тегишлича ҳомиладорлик ва туғиш таътилидан олдин ёки ундан кейин ёхуд болани парваришлаш таътилидан кейин берилади. Ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили 3 иш кунидан кам бўлмаган муддат билан ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади. Мазкур тоифа аёлларга уларнинг хоҳишига кўра, ҳар йили 14 календар кундан кам бўлмаган муддат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади. Бундай таътил йиллик қўшиб берилиши ёки иш берувчи билан келишиб белгиланадиган даврда ундан алоҳида фойдаланиш мумкин.

Меҳнат кодексида таъкидланишича, аёлларга туққунга қадар етмиш календар кун ва туққандан кейин эллик олти календар кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ўндан ортиқ бола туғилган ҳолларда - етмиш календар кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланади (233-модда). Болалик аёлларга боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун таътил берилиб, бу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланади. Аёлларнинг хоҳишига кўра, боласи уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил ҳам берилади. Болани парваришлаш таътиллари даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланади. Бу таътиллар меҳнат стажига шунингдек мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўшилади. (234-модда)

Қонунчилигимиздаги адолатли ва инсонпарвар нормалардан яна бири шундайки, унга мувофиқ, икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга, дам олиш ва овқатланиш учун бериладиган танаффусдан ташқари, болани овқатлантириш учун қўшимча танаффуслар ҳам берилади. Бу танаффуслар камида ҳар уч соатда бир марта ҳар бири 30 минутдан кам бўлмаган муддат билан берилади.

***(Давоми бор.)***

## МУКОФОТ МУБОРАК!



Матбуот байрами муносабати билан Ҳиндистон элчихонасининг "Маданият марказида" Республика Журналист аёл уюшмасининг тадбири ўтказилди. Унда оммавий ахборот воситаларининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган энг фаол журналист аёлларга Диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. "Оила ва жамият" газетасида кўп йиллардан бери хизмат қилиб келаётган Басира Сайидалиева ҳам "Йилнинг энг яхши журналист аёли" - сифатида Атиргул соврини билан мукофотланди.



## ШЕЪРИЯТ ДАФТАРИДАН

### Ҳалима ЖУМАНИЁЗОВА

#### ТУШУНИНГ...

Ғамгин кечаларда эзилди бағрим,
Бетаскин шамолга дардимни айтдим.
Сизнинг қалбингизга хаёлан кириб -
Минг бир таҳликада ортимга қайтдим.
Сизни асролмайин бегона кўздан,
Баъзан рашкнинг қора оғусин ютдим.
Ишқим дарахтининг бутоқларидан -
Энтикиб энг ширин мевани кутдим.
Азоб гулханида қоврилди жоним,
Оловлар ичида туғилдим қайтиб.
Биламан, бир куни осмон бўламан,
Сизнинг исмингизни қуёшга айтиб.
Бу тун эса бағрим оғуга тўлиб,
Бош қўйиб йиғладим безабон тошга.
Тушунинг, бу менман, бу менман ахир,
Бу ёруғ дунёга келмайман бошқа...
Мани бу ғамлардан айлангиз фориғ,
Кўзларим ёшини ичинг мисли май.
Фақат менинг содиқ парвонам бўлинг,
Мен эса ўлгунча бу ишқда ёнай.

#### ОЛИБ ҚАЙТАМАН

Мен олиб қайтаман бир куни,
Мажнун юрагидан нишона.
Мен қайтиб келгунча ишқим ўтида,
Куйиб кул бўлмагин, парвона.

Мен олиб қайтаман бир куни,
Момо Ҳаво айтган энг гўзал сўзни.
Қайтиб келгунимча, дунё асрагин,
Юрагим кўмилган ул қаро кўзни.

Мен олиб қайтаман бир оқшом,
Ойнинг нурларидан тўқилган рўмол.
Мен қайтар йўлларнинг изини -
Фақат супурмагил, шошқалоқ шамол.

Мен олиб қайтаман бир саҳар,
Гулнинг лабларидан соғинч тотини.
Художон, ўчирма унинг қалбидан,
Ошиқ Ҳалиманинг маъюс ёдини.

#### БИЛМАЙСАН

Билмайсан:
Ёлғизлик тунида ғамни кучоқлаб,
Минг бор тирилганим, минг бор ўлганим.
Дўстлар даврасида юрагим йиғлаб,
Кўз ёшим яшириб кулганим.

Билмайсан:
Ҳижрон тиконлари ботиб дилимга,
Қийналсам ёдингдан топганим паноҳ.
Бошим остонага қўйиб тонггача,
Қуёшни уйғотган бўғзимдаги оҳ.

Билмайсан:
Маҳшар қийноғидан тўкилган кунлар,
Исмимни кийганин қора изтироб.
Соғинч оташида тўлғониб ёниб,
Жонимда кўкарди дўзахий азоб.

Билмайсан:
Умид кўзларидан бир мужда кутиб,
Қайғули кунларни ёқиб ташладим.
Ҳаётни боламдай кўксимга босиб,
Дунёда борлигинг учун яшадим.
Билмайсан...

#### БАҒРИНГИЗНИНГ МУЗЛАРИДА

Бағрингизнинг музларида музлаяпман,
Шу музлардан мен ўзимни излаяпман.
Қаерларда қолдингиз эй излаганим,
Тополмасдан банд-бандимдан музлаяпман.

Қаерларда қолди куйган қуёшларим,
Адашмоқда кўзингизда кўз ёшларим.
Синиб-синиб тугаётир бардошларим,
Бағрингизнинг музларида музлаяпман.

Сиз ҳокимсиз, руҳим сизга музтар бўлди,
Сизни топмай, дуч келганим хатар бўлди.
Менинг ҳолим зар бўлди-ю, забар бўлди -
Бағрингизнинг музларида музлаяпман.

Бу муз қотган вужудимда бардош куриб,
Кўзларимда тўкилмаган кўз ёш ғариб.
Бағрингизда дил аталган бир тош ғариб -
Бағрингизнинг музларида музлаяпман.

# ПОЛВОН МОМОМ

Сир эмаски, Шарқ аёллари нафақат ҳусну малоҳати, балки мардлиги, жасурлиги, уддабуронлиги билан ҳам дунёга танилганлар. Массагетлар шоҳи Тўмарис бу фикрнинг ёрқин ифодасидир. Тўмариснинг қони биз ўзбек аёлларининг вужудида оқаётганлигидан фахрланиб яшаймиз. Шундай аёллардан бири — менинг 83 ёшли севимли момомдир. Момом қишлоғида "Тўти полвон" номи билан донг таратган. Момом "Тўти полвон" номини олишига бир воқеа сабаб бўлган. Момомнинг оталарини, яъни менинг катта бобомни Хўжақул полвон деб аташган. Момомлар оилада бир ўғил, икки қиз бўлишган. Ёлғиз акалари ҳам полвон бўлган. Катта бобом қизларидан кўра, ўғилга кўпроқ аҳамият бериб, полвонлик сир-асрорини мунтазам ўргатиб борганлар. Тўти момом ҳам полвонликка қизиққанлар. Акаларининг, оталарининг полвонлик усулларини зимдан кузатиб, ўрганиб юрганлар. Қишлоқда момомнинг акаларига тенг келадиган полвон бўлмаган. Кунларнинг бирида шу қишлоқда бир бой катта тўй қилиб, эл - юртга ош беради. Тўйнинг энг қизиқ палласи - полвонлар ўртасидаги кураш мусобақаси ҳисобланади. Адирнинг саёз, текислик жойида ям-яшил ястаниб ётган ўтлоқ ўртасида кураш майдони ҳозирланади. Бир пасда кураш майдони одамлар билан тўлади. Бежирим, турли туморлар тақилган желаклар кийган, белини белбоғ билан маҳкам боғлаган полвонлар янада алп келбатли кўринади. Давранинг олдинги томонида ўтирган қариялар қўлларини дуога очиб, уларга омад тилашади. Кураш бошланади. Момомнинг акалари Султон полвон барча полвонларни ер тишлатадилар. Лекин Султон бобом чарчаб қоладилар. Шунга қарамасдан яна курашга тушмоқчи бўладилар. Баковул сўнгги полвонни даврага чақиради. Кураш олдидан полвонлар бир-бирлари билан кўз уриштириб руҳий томондан синайдилар. Бу сирли нигоҳларга дош бериш ҳам полвонларга хос хусусиятдир.

Султон бобом бу полвонни ҳам "Ё пирим", - деб, усул қўллаб, ерга йиқитадилар. Бобомнинг усулидан завқланган томошабинлар уларни ҳуштак, қийқириқ ва қарсаклар билан олқишлашади.

- Ҳалол! Ҳалол йиқитди, - дейди одамлар. Лекин баковул буни «ёнбош» деб айтади ва курашни давом эттиришни буюради. Кейин эса ўша полвон Султон бобомнинг оёғидан чил бериб йиқитади. Чала йиқитганини билиб туриб, баковул: "Ҳалол! Ҳалол йиқитди", - дейди у полвоннинг ёнини олиб. Бу адолатсизликдан ғазабланган бобом майдондан чиқиб кетади. Баковул: "Йиқилган полвоннинг ори учун курашадиган бирон киши бўлса, даврага чиқсин",- дейди. Бу гапни эшитган Султон бобомнинг баттар руҳи чўкиб, боши эгик ҳолда турарди, чунки бобомнинг ори учун курашадиган укаси бўлмаган. Шунда Тўти момом бошидаги рўмолини белига боғлаб:

- Ори учун курашадиган укаси бўлмаса, мана синглиси бор, - деб даврага отилиб чиқадилар. Даврада ўтирганлар момомнинг бу ишидан ҳангу-манг бўлиб қолишади. Момомнинг кўзларидан ўт чақнаб турарди. Енгларини шимариб:

- Қани, мард бўлсанг, ўзингни кўрсат, - дейдилар шаҳд билан. Полвон уялиб даврадан чиқиб кетади. Эркакман, деб юрган полвон қандай қилиб аёл киши билан курашга тушсин.

Момомнинг шаҳдини кўрган баковул ноилож ўша полвоннинг синглисини даврага таклиф қилади. У истар-истамас даврага чиқади. Момом: "Ё пирим", - деб у аёлни кўтариб йиқитмоқчи бўлганида ҳалиги аёл:

- Кел, дугонажон, мени йиқитма. Ахир даврада оталаримиз, акаларимиз тенги эркаклар ўтиришибди. Мени йиқитсанг, бу шармандачиликка қандай чидайман, - деб ёлворади.



Ҳамманинг нигоҳи момомда эди. Бу гапларни эшитган момом жаҳл отидан тушиб даврага бир назар солади. Сўнг:

- Майли, сен айтганча бўлақолсин. Лекин мени қўрқди, дема. Мен ҳар доим хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин кураш тушишга тайёрман. Хўжақул полвоннинг қизи ҳеч нарсадан қўрқмайди,- деб момом даврадан чиқиб кетади.

Баковул: "Ҳалол! Ҳалол", деб қичқиради. Даврада ўтирганлар момомнинг бу ишидан хурсанд бўлишади. Шунда ўтирганлардан бири:

- Қани энди менинг ҳам шундай мард, жасур синглим бўлганида эди, мен уни бошимда кўтариб юрар эдим, - дейди.

Бу гапларни эшитган момом ичичидан хурсанд бўладилар. Ана шу воқеа сабаб ҳамма момомни "Тўти полвон" ҳозир эса, "Полвон момо", дея мурожаат қилишади. Ҳозирги кунда момом 8 фарзанд, 30 дан ортиқ невара, 20 дан ортиқ чевара ва эваралар ардоғида соғ-саломат, ҳурмат-иззатда яшамоқдалар. Мен улар билан фахрланаман.

**Дилшода САХИМОВА**
**Термиз шаҳри**

*"Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, ҳар куни қилиши керак!"*
*Ислом КАРИМОВ*

# МЕҲР ҚОЛУР, МУҲАББАТ ҚОЛУР!

Яқинда Жиззах шаҳрига йўлим тушганди. У-бу харид қилиш учун "Кўкбозор"га кирдим. Табиийки, энг аввало, газета сотиб ўтирган аёллар қаршисида тўхтаб, турфа нашрларни бир-бир кўздан кечира бошладим. Шунда сал нарида гилос сотиб турган аёл (таниши бўлса керак) харидор хотин билан савобу таъма ҳақида гаплашаётганлари аниқ эшитилиб турарди.

- Савобталаблар сероб, бизнинг маҳалладан икки оила боласини инглиз тили ва компьютерга бепул ўқитишди. Ҳар иккиси ҳам кам таъминланган оиладан, - деди сотувчи аёл.

- Қаерда? - чамаси ишонқирамади харидор.

- Ўзимиздаги Педагогика институтида!..

Иккита газета олдиму, йўлимга кетдим. Эртаси атайин Абдулла Қодирий номли Жиззах Давлат Педагогика институтига бордим. Институтдаги ягона таниган кишим - тарих-ҳуқуқ факультети кафедра мудири Сирожиддин ака Ғозиевга учрашдим.

Домла билан салом-аликдан сўнг мақсадга ўтдим.

- Тўғри, - деди Сирожиддин ака, - сиз компьютер маркази ҳақида эшитибсиз. Бизда яна ўнга яқин хорижий тилни ўқитиш курси, "Зардўзлик" ҳунар-ўқув бўлими, "Истеъдод ёшлар клуби" каби жуда кўп тармоқларимиз мавжуд.

Илтимосимга кўра домла мени "Иқтисодий информатика ва менежментлик асослари кафедраси" мудири Эркин Ғаниев билан таништирди.

Эркин ака ҳам киришимли одам экан, тезда суҳбатимиз қовушиб кетди. Аввалига компьютер хоналарини айландик.

- Бир юзу етмиш битта компьютеримиз бор. Бу ҳозирча, - деб изоҳ берди домла.

Маълум бўлишича, институт қошидаги бу ўқув жойи "Ахборот технологияси илмий ўқитиш маркази" бўлиб, 2001 йили ташкил этилган экан. Шу қисқа давр ичида тингловчилардан 309 нафари бепул ўқитилибди. Яна кам таъминланган оилалардан 46 нафар тингловчи ҳам.

- Уларни қандай йиғдинглар? - қизиқдим.

- Матбуот ва телевидение орқали эълон бердик. Маҳалла қўмиталарининг тавсияси билан қабул қилдик, - Эркин ака қоғозлар солинган жилдни узатди. Унда "Жиззах шаҳрида яшовчи, қаровчисини йўқотган ва кам таъминланган оила фарзандлари учун компьютер саводхонлиги ҳамда инглиз тилини ўрганувчилар ҳақида маълумот" ҳужжатлари бор экан: "Асадова Х., Зоитова Х., Ҳамидов У., Маҳмудов С."

- Бу йил фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадидамиз, - суҳбатни давом эттирди Э.Ғаниев, - энг аввало, ўқув муддатини 6 ойдан 1 йилга узайтириб, кам таъминланган оилалардан 50 нафар тингловчи қабул қиламиз. Билим бериш билан бирга бепул овқатлантиришни ҳам ташкиллаштириш ниятидамиз. Бу ҳақда грант олиш учун ҳамкорларимиз - Марказий Осиёда ўқувни такомиллаштириш Франция ўқув марказига, Республика "Устоз" жамғармасига лойиҳа киритдик.

**- Бепул саводхонлик фақат кам таъминланган оила фарзандлари учунми?**

- Йўқ! Охунбобоев номли мактабни ҳам оталиққа олганмиз. Мактабни битирувчи синф ўқувчилари, шунингдек, институтимиз техник ходимлари фарзандлари ҳам бепул ўқитилади. Қолаверса, ҳукуматимизнинг бу борада алоҳида, 1996 йил июлда қабул қилган 236-сонли қарори ҳам мавжуд.

Эркин Ғаниев билан анча суҳбатлашдик. Гап орасида домланинг шахсий, оилавий ҳаёти ҳақида ҳам қизиқдим. Эркин аканинг оиласи педагоглардан иборат бўлиб, турмуш ўртоғи Г.Ғаниева Педагогика билим юртида маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари, ўғли Олимжон институтда ўқитувчи, қизи Севара, келини Мукаррам мактабда муаллима.

**- Ҳар инсоннинг яшашдан мақсади, эзгу-орзуси бўлади, - деб савол оҳангида қарадим домлага.**

- Мен қарийб 27 йилдан бери шу даргоҳда меҳнат қиламан. Мустақиллик шарофати билан биз - ўзбек олимлари учун кенг имкониятлар йўли очилди. Демак-ки, эзгу ниятлар амалга ошадиган имконларга эга бўлдик. Менинг ҳам ажойиб боғ яратиш ниятим бор. Бу - илм соҳасидаги боғ! Аввало, фарзандларим, шогирдларим шу боғнинг мевалари. Илмий мақолаларим, қўлланмаларим мен ният қилган боғнинг ҳосили!

Домланинг эзгу ва заҳматли меҳнати нафақат баракали мева бермоқда, балки муносиб қадрланмоқда ҳам. "Халқ таълими аълочиси" унвони, "Йилнинг энг яхши ўқитувчиси" номи берилиши, "Устоз" Республика жамғармаси грантига муносиб кўрилганлиги, малака алмашиш учун Франция мамлакатига юборилганлиги Э.Ғаниев фаолияти ҳукуматимиз томонидан эътибор топаётганининг яққол исботидир.

**Дилмурод САЙЙИД,**
**журналист**

# ЎЗ ХОТИН ВА ЎЙНАШ ХОТИН



Ўша куни Дилмурод касалхонада ётган хотинидан хабар олган бўлди-ю, тўғри жазманининг уйига қараб йўл олди. Бир йилдан буён мана шу аёлникига қатнайди. У билан кўнгил хушлик қилиб, вақтни қандай ўтганини ҳам сезмайди. Чўнтагининг остида тешик пайдо бўлганига ҳам эътибор қилмайди. Фермерликнинг ташвишини жиянининг елкасига юклаб, шаҳарга ошиқади.

Ўша куни эшикни ялтироқ халат кийган жувон очиб, унинг қаршисида нозланди:

- Бормисиз?! Фермер бўлмай кетинг. Бизни унутиб қўйяпсиз-да, шунақа.

- Қора сигир билан ола сигирларни жиндай ташвиши кўп-да, - қочириқ гап қилди Дилмурод. - Ўзлари саломатмилар?

- Сиз сўраганингиздан буён саломатмиз, - эркаланди жувон. - Ваъдалари эсдан чиқмадими ишқилиб?

- Бизда гап битта. Фақат бироз сабр-қаноат қиладилар. Экинларни йиғиштириб олсак, албатта қарзимизни узамиз.

Дилмуродга бу жувоннинг нозлари мойдай ёқади. У нима деса, хўп бўлади, деб жавоб қилади. Атирининг ҳидига маст бўлиб, ваъдани бераверади. Қишлоқдаги болалари, хотини кўзига кўринмай қолади. Олдинроқ мана шу жувонга уйланмаганига афсус ҳам чекиб қўяди. Бу гал Дилмурод унинг уйидаги барча мебелларни янгилаб беришга ваъда қилган. Баъзида у ўзининг сирдош оғайниларини бошлаб келиб, шу ерда меҳмон қилиб жўнатади. Унинг ўзи бундан лаззат олади. Ўзича у сирдош дўстларига: "Мен жаннатда яшаяпман!",- деб исботлаб қўйгандай бўлаверади. Албатта унинг оғайнилари зиёфатдан сўнг қойил қолишиб: "Қандингни ур, Дилмурод!", дея унинг елкасига қоқиб кетишаверади.

Қишлоқдаги хотини эса ич-ичидан эзилиб, унга Худодан инсоф тилаб кунларни ўтказади. Учта фарзанднинг юзидан ўтолмай, тишни-тишга қўйиб, болаларга сездирмай яшайверади. Фақат болаларнинг устбоши юпунлашиб бораётганлиги, эрнинг топгани шамолга соврилаётганига ачинади, холос. Ҳадеб сиқилаверганидан тез-тез касалланадиган бўлиб қолди. Унинг ҳолидан хабардор бўлган яқинлари: "Шаҳарга тушиб эрининг топганларини соғиб ичаётган ўша жувонни шарманда қилиб келишини" маслаҳат беришди. Бироқ Ҳосиятхон ундай аёллардан эмасди. Арқонни узун ташлаб, эрининг ишларига аралашишдан ўзини тийиб яшаётганди. Мана икки ҳафтадан буён касалхонада ётибди. Агар эри унинг ёнида бўлиб, даволатишга астойдил киришганида, касали бунчалик зўриқиб кетмасди. Худодан: "Жонимни олиб қўявер", деб илтижо қилган кунлари ҳам бўлди.

Хотини касалхонада ётган кунларда Дилмурод ҳовлисининг этагига экилган теракларни кестирди. Ариқ бўйига тўрт қатор қилиб экилган бу теракларни хотини қаламчалигидан кўпайтирганди. Келин бўлиб тушган йили экилган бу қаламчалар ўн уч йилда росмана терак бўлиб етилди. Дилмурод хотинига:

- Теракларнинг ҳаммасини кестирдим. Уларни сотиб, сигирларга ем-кунжара оламан. Тагидан кўкариб чиққани яна ўсиб, катта бўлаверади, - деди.

Аслида эса теракларнинг пулини шаҳардаги ўйнаш-хотинининг уйидаги мебелларни янгилаб беришга ишлатди. Бу гап Ҳосиятхоннинг қулоғига етиб келгач, унинг аҳволи баттар оғирлашди. Уколлар ҳам таъсир қилмай қўйди. Шаҳардан қайтиб, машинасини эндигина дарвоза олдига тўхтатган Дилмурод, хотинининг жони касалхонада узилганидан хабар топди. Болаларнинг уччаласи ҳам мактабда эди. У уйидан атлас кўрпани олиб чиқиб, машинага жойлаётганда қўшниси дарвозадан чиқиб, сўраб қолди.

- Ҳа, қўшни, тинчликми?

- Ҳосиятнинг жони касалхонада узилибди, - жавоб қилди у. - Уни мана шу кўрпага ўраб, олиб келаман.

Бу нохуш хабар дарров қишлоққа тарқалди. Одамлар: "Дилмуроднинг қилмиши хотинига урди. Бечора адойи тамом бўлганди", дея шивирлашиб гапириша бошлади.

Йўқ, Ҳосиятхон ўлмаган экан. Уколдан сўнг жони қилтиллаб, нафас олиши сезилмай қолган экан, холос. У уч кун ана шундай хушсиз ётди. Кейин аста-секин соғая бошлади. Бир ҳафтадан сўнг эса уни уйга қайтариб олиб келишди. Кунларнинг бирида Дилмуродни сигир шохлаб, кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолди. Унинг иситмаси гоҳ кўтарилади, гоҳ пасаяди. Инқиллаб ётгани-ётган. Сигирнинг шохи унга қаттиқ шикаст етказибди. Қизиғи, уни фермадаги энг ювош сигир сузиб олганди.

Дилмурод бир ойча тўшакда ётиб қолди. Хотини бир дақиқа ҳам унинг ёнидан жилмай, парвариш қила бошлади. Дилмурод озиб, чўп бўла бошлади. Сирдош оғайнилари уни кўргани келишиб, шундай хабарни етказишди:

- Шаҳардаги ойимтиллангни бошқа одам машинасида олиб юрибди.

Дилмуроднинг дил-фарёди оламга сиғмай кетди.

Дилмурод буни энди тўла тушунди ва уни кўргани келган яқин дўстига:

- Ўз хотининг жонингнинг ярми бўларкан. Унга хиёнат қилсанг, ўз жонингга хиёнат қилар экансан. Ўйнаш хотин чўнтагингга қараса, ўз хотининг оғир кунларингга яраркан, - деди.

Хулоса шуки, кимки жуфти ҳалолининг дилига озор берса, ҳалолдан топганни харомга сарфласа, албатта бу ишнинг уволи уни уриб юборар экан.

**К. НИШОНОВ**

---

**ҚИССАДАН ҲИССА**

# АЁЛЛИК БУЮК ҚИСМАТ

Хамир қориш, нон ёпиш, бир қарашда 15-20 дақиқалик оддий аёл иши. Аслида-чи? Отам ҳикоя қилганди: «Талаба эдим, таътил кунларидан бирида энам илтимос қилиб қолдилар.

«Болам, янганглар далада, опангам дарсидан икки соатсиз қайтмайди, хамир қориш керак, кун бўлса кечайиб боряпти. Ўзим қилардим-у, шу ўнг қўлимдаги яра ўрни лўқиллаб турибди. Нима қилсам экан-а?»

Ёш кучга тўлган пайтим эмасми, беписандлик билан: "Э, э, э, эна, шу ҳам ишми, беш дақиқалик гапку, унни элаб берсангиз бўлди, боплаймиз",- деб юборибман.

Иссиқ сувли катта сирли товоққа унни солдик, туз ташлаб аралаштира бошладим. Аввал осон кечди, бирпасда дастлаб бўтқа, сўнгра эгилувчан, чўзилувчан хамир шаклига кела бошлади, лекин сал бўшроқ туюлди, шу боис энам устига яна бир ҳовуч ун септилар-да: "Болам, энди тезроқ аралаштириш, куч билан қориш керак, совуб қолган хамирдан яхши нон чиқмайди", дедилар. Кучим борича қориштириш, муштлашга ҳаракат қила бошладим, бирпасда юз-кўзим, пешонам жиққа тер бўлди. Онам артиб турди. Ич-ичимдан оғир ҳансираш чиқиб келишга уринар, энг ёмони спорт билан шуғулланиб, яъни мускул машқлари бажариб, тош кўтариб, волейбол уйнаб чиниққан деб ҳисоблаб юрганим, билакларим, елкам ўзимга бўйсунмай бошлади. Энам эса ҳамон ўргатиб турар, энди тайёр бўлдиёв деб ўйлаётганимда билч-билч хамир устига яна бир сиқим ун сепиб юборар, бу унни муштлашни баттар оғирлаштирарди. Энам эса: «Ана бўлаёзди, сал тезроқ муштла, пишиқ зувала бўлади, нони едиримли чиқади», деб турарди. Холдан тойдим, лекин буни сездириб бўлармиди. Ниҳоят елкам шол бўлгандай увишиб, кўз олдим қоронғилашадигандай бўлаёзганда, энам: «Ана бўлди, энди зувалалаб, устини ёпиб қўйсам бас», дедилар. Кечқурун ҳамма кула-кула талаба муштлаган хамир нони ширин бўпти-ку деб мақтаб-мақтаб иссиқ нон ейишди. Ўшанда ўзимча ақл бовар қилмайдиган катта кашфиёт қилганман, яъни аёллик қисмати оғир, маъсулиятли эканини ҳис этганман. Шундан бери аёлга нисбатан, заифа, тушунчаси уларга нақадар ноҳақ, ҳурматсизлик деб ҳисоблайман. Ўзинг уйла, қизим, сизлар 18-20 ёшда вояга етиб рўзғор ишига аралаша бошлайсизлар дейлик, аёл ўртача 70-75 йил умр кўрсаю, келинлари, фарзандлари қўлидан ишини олгунича тахминан 20,22 йиллик фаол ҳаётида 7500-8000 кун ўтса борингки, ҳар уч кунда бир марта хамир қилиб нон ёпганидаям, демак ўтган даврда камида 2500, 2700 бор тандир қизитади, хамир қориб нон ёпади. Эҳ қизим, қизим, бу биргина нон ёпиш билан боғлиқ ҳисоб. Энди ўйла, мана шу энанг шу даврда камида 5-8 минг бор сигир соққан. Ўн икки - ўн тўрт минг марта овқат қилган, ўн беш йигирма минг марта сенга, менга келган кели-кетимларга чой дамлаган, меҳмон мулозамат қилган. Ақл бовар қилмайди. Бу денгизчилар тилида айтганда буюк айсбергнинг кўз илғайдиган қисми, Аёл шу вақт ичида худоё неча минг бор кир ювади, дазмол босади. Кийим тикади, ўрин солади, уйни йиғиштиради, ниҳоят энг танг қолдирадигани туғилган бир парча этни сал эпақага келтириш (бир аёл ҳаётида 4 ё 5 болали бўлгандаям) учун 10 минг марталар ширин уйқу оромидан кечиб, эмизади, бешик тебратади, аллалайди. Вой бўй бунинг барини рақамларга жамлаб, бу ишларни бажариш, улгуриш, чидашга керак бўладиган қувват ҳисоб-китоб қилиб кўрилганми? Йўқ. Бунчалик оғир, айни вақтда шарафли қисматни умрида бир бор хамир қоришнинг ўзидан кўзининг ўти олинган менга ўхшаган эркаклар тугул ҳар қандай замонавий робот ёки, комьпютер ҳам кўтара олмас-ов. Ана шундай қизим, шу боис мен онангга, барча оналарга, умуман аёл зотига таъзим қиламан. Шоирларнинг сенга: "Ойни олиб берайми, гуллар териб келайми, сен менинг қуёшимсан, бошимдаги тожимсан", деган бағишловлари ҳақиқий, ҳаётий бўлишини ич-ичимдан тилайман. Лекин қизим, ҳай-ҳай зинхор гапларим ўртамизда қолсин. Ноқулай, қолаверса, ҳар бир инсоннинг ўзигина ҳис этиши ҳеч қачон, ҳеч ким билан баҳам кўрмаслиги лозим бўлган муқаддас ширин туйғулари бўлиши лозим. Лекин одаммиз-да, ичим ёниб, уни сенга илиндим. Бахтли бўл", қизим.

Отажонимнинг бу изҳори дили доим буюк ва ҳаётбахш мусиқадай жаранглайди менга, биз мансуб бўлган аёлларга бетакрор бағишловдай қабул қилганман уни.

Сўзимда туриб онамга ҳеч нарса деганмасман. Лекин аёл қалби ҳар не яхши-ёмонни сўзсиз илғайди, тушунади. Шул боис ер, ҳаёт боқий, яшаш гаштлидир балки!

**Райҳона РАҲИМОВА**
**Сариосиё туман**
**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Кенгаши раиси**

---

*Ташрифларингиз...*

# КЕЛИБ КЕТАВЕРАР ТУРНАЛАР...

1984-87 йиллар оралиғида Нишон туманига қарашли 17-ўрта мактабда ишлагандим. Ўша даврда 9-синф ўқувчиси ҳомиладор бўлиб қолгани ҳақдаги гап ҳаммани лол қолдирганди. Унинг кўзи ота-онасиникида ёриди. Балоғат ёшига етмаган қизнинг номусига теккан йигит қамалиб кетди. Кейин мен у ердан кўчиб кетдим ва у қизнинг тақдиридан батамом бехабарман. Аммо шу воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Ор-номусга боғлиқ воқеа кимнинг ҳам ёдидан чиқарди.

Таҳририятимизга одмигина кийинган камтар, камсуқум бир аёл кириб келди. Салом-аликдан кейин биз кўрсатган ўриндиққа омонатгина ўтириб мақсадини айтди.

- 17 ёшимда онам оламдан ўтдилар. Талай фурсат ўтгач, отам яна уйланишга мажбур бўлди. Ўшандан бери мени бир савол қийнайди,- дея оғир хўрсинди у. - Маълум бўлишича, мени туққан аёл бошқа инсон экан. Мен 1969 йил 17 апрелда Бўка туманидаги туғруқхонада туғилганман. Онам талаба, қозоқ қизи экан. Мени туғиб ташлаб кетганлар. Шунда мени асраб олган онам ҳам туққанлар. Лекин навбатдаги тўққизинчи фарзанди ҳам ўлган. Бунга сабаб, болалигида гангрена касалига йўлиқиб бир неча бор операция туфайли бир оёқлари батамом кесиб ташланган. Ўшанда олган наркозлари сабаблими, ишқилиб, фарзандлари ҳеч турмаган. Ҳеч нарсага зориқмай ўсдим. Олий маълумотли ўқитувчиман. 2 та фарзандим, меҳрибон турмуш ўртоғим бор. Лекин юрагимнинг тубида "мени туққан аёл ким?"- деган савол доим туради. Таҳририятга келишимнинг боиси ҳам, онамни дийдорини бир кўриш. Онам ҳозир оилали бўлиши мумкин. Менга онамдан ҳеч нарса керак эмас. Мақсадим онамни топиш. Баъзан наҳотки 34 йилдан бери онам мени суриштирмаса-ю, мен суриштирайми, деган хаёлга ҳам бораман. Барибир ҳам нимадир мени онамга тортади...

Сир очилган пайтлар қандай аҳволга тушганимни тасаввур ҳам қилолмайсиз. Баъзилар онамни юзимга солиб хўрлади ҳам. Шундай пайтда... Нима қилай, ичимдан зил кетиб, дардимни сиртга чиқармасликка ҳаракат қилардим. Яна содда бир қизнинг номусини топтаб, алдаб кетган отамнинг кўзларини кўрмоқчиман. Ҳақиқатни билмоқчиман. Онамнинг ўз боласини ташлаб кетишига, отамни юз ўгиришига сабабчи бўлган куч шу қадар кучли эканки, азобини мен тортдим ва тортаяпман. Исму шарифимни, манзилимни аниқ ёзманг. Ишхонамдагиларнинг менга нисбатан муносабати ўзгариб қолиши мумкин. Бу ҳол болаларим тақдирига ҳам салбий таъсир этади. Онам мени фақат газета орқали топиши мумкин.

Аёл ваъда қилгандай аниқ исму шарифи, манзили, телефон рақами таҳририятда. Агар уни онаси таниб қизи билан топишиш ниятида бўлса таҳририятимизга мурожаат этишни сўраб қоламиз.

Мана азизлар. Бир ножўя қадамнинг охир-оқибати. Номуси топталган ўша қиз 34 йилдан бери виждон азобида қийналаётган бўлса керак. Бу ёқда эса бебош эҳтирослар маҳсули бўлмиш фарзанд изтиробда. Ўша аёлга айтар гапларим мисраларга қуюлди:

**Идрок етмас ҳаёт экан бу,**
**Кимда ҳам йўқ тешик тоғора.**
**Биров дардин ғижжак қилади,**
**Биров бахтин қилар ноғора.**
**Келиб кетаверар турналар.**
**Қўй, бошингни эгмагин синглим,**
**Бу ҳаётда ким ҳам қоқилмас.**
**Болаларинг бахтини ўйла,**
**Балким онанг мангу топилмас.**
**Келиб кетаверар турналар.**
**Шамга қара, ёнгани билан,**
**Оқибатда нима топади.**
**Умри қисқа митти қизғалдоқ,**
**Яшаш ишқи билан ёнади,**
**Келиб кетаверар турналар.**
**Ғаниматдур бу гўзал ошён,**
**Баҳору куз гўё бир қадам.**
**Куйиб-ёниб ўртанмаганда,**
**Балким минг йил яшарди одам.**
**Келиб кетаверар турналар.**

**Тоҳир НОРИМОВ**

**«Ёш умримни куйдирдим»-13-сон**

**ЭСЛАТМА: Ёшим 20 да. Отам онамни ташлаб бошқа аёлга уйланганида мен 7 ойлик эдим. Онам мени ҳеч кимдан кам бўлмасин, дея яхши тарбияладилар. Лекин, бошқача—енгил табиат қиз бўлиб ўсдим. Илк бора тоғамнинг ўғли менинг номусимни топтади.**

**ДИЛНОЗА**

# ЭНДИ АДАШМАНГ

Синглим Дилнозахон. “Оила ва жамият”ни ўқиб юрган мухлиса бўлсангиз ундаги ўзингиз каби адашган қизлар тақдири ёзилган мақолалар наҳотки сизни кўзингизни очмади?

Отаси ёки онаси ташлаб кетганлар дунёда камми? Қолаверса, улар ҳам худди сиздек иш тутсалар бу жамиятимиз учун, аввало ўзи, уруғ-аймоқлари учун маъқул ишми? Дилнозахон, Отам бизни ташлаб кетган ва мен шундай янглишиб ёки билиб номаъқул иш қилиб қўйдим. Бунга отамни бизни ташлаб кетгани сабаб, демоқчидексиз назаримда. Доноларимиз айтганидек: “Эчкини ҳам, қўйни ҳам ўз оёғидан осадилар”. Қолаверса, сиз ёш қиз эмасдингиз ўша мудҳиш воқеа рўй берганида. Онангиз сизни қийналиб, ёлғиз боқиб ўстирганини бир пул қилибсиз-қўйибсиз. Бу қилган ишингизга ўзингиз биринчи айбдор саналасиз. Наҳотки, келажагингиз тўғрисида ўйламадингиз?

Тоғангизни ўғли ҳақида ўша куниёқ онангизга айтишингиз керак эди. Ахир оналар қизларининг сирдоши бўлади-ку. Хўш, алданибсиз, номусингиз ерпарчин бўлибди, яна нега тоғангизникига бордингиз. Сизда бирор-бир ўзгариш сезган шекилли йигитнинг жўраси ҳам сизга тегажоқлик қилибди. Тоғангизнинг ўғли билан нега яна “бирга” бўлдингиз?

Энг ачинарлиси шундаки, сиз бу ишларингизни сир сақлаб келгансиз. Сизни адашган деб бўлмайди. “Кўр хассасини бир марта йўқотади”. Сиз эса бир неча бор шу иш қалтислигини била туриб яна такрорлагансиз.

Б. исмли йигитни севиб унга севги изҳор қилибсиз. Қани сиздаги ибо, ҳаё ёки ўзбек қизларига хос хислату фазилатлар?

Б... “Севган қизим бор”, - дея сизни севгингизни рад этибди. Ва яна вақт ўтиб сиз билан: “Дўст бўламиз”, - дебди. Сиз эса жон деб рози бўлибсиз. “Ва у билан ҳам бирга бўлдим”, - деб ёзаяпсиз. Сиз шу йигит билан бирга бўлибсизу, яна мақолангиз якунида: “Б.га айтгани қўрқаман, мени ташлаб кетиши мумкин”, - дебсиз. Ахир у билан ҳам бирга бўлгансиз-ку, ўзингиз ёзишингиз бўйича. Сизга умуман тушуна олмадим. Ёшгина қиз бўлиб, ҳалитдан кўпчилик йигитлар билан кўнгилхушлик қилиб қўйибсиз.

Сизга айтадиган сўзим: ўзингизни, хулқингизни, нафсингизни жиловлаб олинг.

Энди “дод” десангиз ҳам, “вой” десангиз ҳам Б. сизнинг тенгингиз эмас. Унинг бошини айлантирманг. Уволидан қўрқинг. Кимдир еб, ташлаган овқат қолдиғини гулдек йигитга берманг, сиздан илтимос синглим. Сизнинг ҳам тенгингиз топилиб қолишини умид билан ҳалол ва покиза бўлиб кутинг. Бировни алдаб бахтли бўлгандан бахтсизлик маъқул.

Сўзларим кўнглингизга ботган бўлса, хафа бўлмай, тўғри тушунинг. Нима бўлганда ҳам хўп хунук ишлар бўлибди. Ҳар биримизнинг ҳаё-ибомиз - ўз бойлигимиз, ўз кўзгумиз ва бебаҳо шаънимиз эканлигини унутманг. Ўткинчи дунёда номаъқул ишлардан кўра, маъқул ишлар бисёр-ку! Ўқинг, ҳунар эгалланг, чевар бўлинг. Қилган номаъқул ишларингизни ўз ҳалол меҳнатингиз, аъло даражадаги хулқингиз билан ювинг, тозаланг, тузатинг. Ҳар бир инсон ҳаётда янглишиши мумкин, лекин сизчалик эмас. Агар сиз энди шу қилган ишларингизни такрорламасангиз аминманки, йўқотган ҳаё-ибоингизни, номусингизни тополмасангиз-да, йўқотган хулқ-атворни топиб тиклашингиз мумкин.

Сизга яна маслаҳатим шуки, энди бу ёғига маҳкам бўлинг, “сахий” бўлманг. Юқорида айтганимдек, энди ўз келажагингиз пойдевори мустаҳкам бўлишига ҳаракат қилинг. Онангиз огоҳ бўлса, ҳоли не кечади, тушунаяпсизми? Хатони қилибсиз, энди уни ювишда жон куйдиринг.

Сиз ўз бахтингизни кутиб яшайверинг. Ўксинманг, ҳеч ким дунёдан тоқ ўтмаган. Сиз ҳам тоқ ўтмайсиз. Тенгингиз топилади. Ўшанда яна хиёнат йўлига парвоз қилиб кетмасангиз бас. Бахтли ҳаёт кечирасиз.

**Хиёнат билан яраланган дил,**
**Дори билан тузалмайди бил.**
**Дори билан тузалса гар дил,**
**Бир умрга йиғлайди кўнгил.**

**Муҳайё БЕРКИНОВА**

**Жиззах шаҳри**

*Акс-садо*

# ДУНЁ АСЛИДА ШУНДАЙ...

Азиз синглим Мафтунахон! Изтиробга тўла дил изҳорингизни кўзларимда ёш билан ўқиб чиқдим. Аввалам бор аёл учун энг олий бахт бу - “Она” бўлиб, бешик тебратиб, алла айтишдир. Оллоҳ кимгадир эрта, яна кимгадир кечроқ фарзанд ато этаркан. Бунинг учун фақат сабру тоқат билан ўша бахтли кунларни кутиш керак.

Биз Саодат опа билан бир неча йиллардан буён қадрдонмиз. Саодат опа биринчи турмуш ўртоғи билан 14 йил бирга ҳаёт кечириб, фарзанд кўришмади. Эри бола асраб олишга тиш-тирноғи билан қаттиқ қаршилик қилди. Саодат опа ҳаттоки, ўз сингилларининг бирорта боласини қарамоғига олмоқчи бўлди. Лекин эри: “Менда айб йўқ. Барибир фарзанд кўраман. Менга асранди бола керак эмас”, деб туриб олди. Аммо эр-хотин бир-бирлари билан жуда ҳам аҳил-тотув яшардиларки, ташқаридан кузатган айрим танишлар ҳайратланишарди.

Кунлардан бир кун Саодат опа эрига: “Сиз ҳам, мен ҳам ўзимизни синаб кўрайлик. Аввал сиз уйланинг, шоядки фарзандли бўлсангиз”, - дедилар. Ниҳоят улар ажралишди. Орадан 3 ойлар чамаси вақт ўтиб эри уйланди. Аввал ойлар, сўнгра эса йиллар ўтди... Афсуски эркак фарзанд кўрмади. Саодат опа хотини ўлган 3 фарзанди бор кишига турмушга чиқди ва бир йил ўтиб ҳомиладор бўлди.

Аввалги эри ҳомиладор бўлганлигини эшитиб, бир кун кечқурун маст ҳолда Саодат опаларникига борибди. Эшикни эрлари очиб, саломлашгандан сўнг дабдурустдан: “Мен Саодатни олиб кетгани келдим”, - дебди. Эрлари: “Майликуя, лекин озгина хурсандчилик жойимиз бор эди” деб жавоб берибди. Собиқ эр кўзларида ёш билан ортига қайтиб кетибди. У кейин ҳам бир неча бор уйланди, лекин фарзанд кўрмади. Саодат опа эса мана ҳозир 2 ўғилу 1 қиз кўрди.

Мафтунахон, азиз синглим, мен сизга битта ҳаётий воқеани ёздим. Хулосани эса ўзингиз чиқаринг. Оналик - бахт, болалик - тахт дейишади. Мана шу бахтга эришиш учун албатта ҳаракат қилиш керак. Сиз ҳам эрингиз билан очиқ-ойдин гаплашиб маслаҳатлашинг. Жуда бўлмаса бирор бир гўдакни олиб боқиб тарбияланглар, унга астойдил бор меҳрингизни берсангиз, ўз болангиздай бағрингизга олиб юрак-юракларингиздан бутун оналик меҳру-муҳаббатингизни аямасангиз, ишонинг синглим, албатта Яратганнинг ўзи сизга чин оналик бахтини насиб этади!

“Фарзанднинг, давлатнинг эрта-кечи йўқ”,- дейишади. Оллоҳ ҳеч бир бандани тирноққа зор қилмасин, илоҳим! Зеро шоир ёзганидек:

**Кимдир фарзандга зор бўлиб йиғлайди,**
**Кимдир фарзандни хор қилиб билмайди.**
**Бу дунё аслида шундай паст-баланд,**
**Кимнинг кўнгли бирдек ўтибди хурсанд.**
**Бирин ундан қисар, бирисин бундан,**
**Ҳаёт давом этар аслида шундан.**
**Руҳингиз чўкмасин асло жон синглим,**
**“Оналик” бахтингиз кўрмоқ тилагим.**
**Сўзларим кўнгилга келмасин малол,**
**Оналик бахтига ташна эй, аёл!**

**Гулчеҳра АЪЗАМОВА**

**Тошкент**

***«Бефарзанд аёлнинг ўтинчи»—16-сон***

***ЭСЛАТМА: Илк ҳомилам нобуд бўлгач, соғлигим ёмонлашди. Орадан анча вақт ўтса-да, фарзанд кўрмадик. Бир танишимизникига чақалоғини кўргани бордик. Бироқ чақалоқ ётган уйга кираётганимда онаси чинқириб юборди. Эрим эса неча йилдирки: “Бола асраб олайлик!” - дейди. Одамлар буни ҳам таъна қилишса-чи, нима қилсам экан?***

***МАФТУНА***

# БОЛА ОЛИБ АСРАНГ, ОРЗУ ҲАВАС КЎРАСИЗ

Оилада фарзанд бўлмаса ҳам, хотинининг қалбига қулоқ солиб, унинг нозик кўнглини кўтараётган Мафтунанинг турмуш ўртоғига ҳавасим келди.

Сир эмас, турмушда шундай эркаклар ҳам борки, 2-3 йил фарзанд кўрмаса бутун айбни хотинига ағдариб уйидан ҳайдашга, бошқасига уйланишга шайланади. Мафтуна, сизни турмуш ўртоғингиз, қайнонангиз тушунган инсонлар экан. Ҳурматингизни жойига қўйишаяпти. Ёзишингизга қараганда, турмуш ўртоғингиз бир неча йиллардан буён: “Бола олайлик”, - деб сизга ялинса. Эрингизнинг сўзига кириб аллақачон бола олиб асрашингиз керак эди. Ҳозир катта бўлиб, кўзга кўриниб қоларди.

“Бола олсам, кимдир таъна қилади”, деган сўзларни хаёлингиздан чиқариб ташланг. Одамлар нималар дейишмайди. Уларнинг майда гапларига қулоқ солманг. Сизни бирга яшайдиган турмуш ўртоғингиз, қайнонангиз, қариндош-уруғларингиз тўғри тушунса бўлгани. Бола асраб олиб неваралар кўриб, қарилик гаштини сураётган 10-15 тадан ортиқ оилаларни яхши биламан. С. исмли бир аёл турмуш ўртоғи билан аҳил яшашар, нуфузли жойларда ишлашарди. Улар 10 йил фарзанд кўрмадилар. Ниҳоят қайнонаси, қариндош-уруғларининг маслаҳати билан бола олишди, уни вояга етказишди. Олий маълумотли қилишди, уйлашди. Яқинда улар невара ҳам кўришди. Асраб олган бола ота-онасининг шундай ҳурматини жойига қўядики, асти қўяверасиз. Маҳалла аҳли уларни ҳавас билан тилга оладилар.

Яна бир аёлни биламан. Узоқ йиллардан буён раҳбарлик лавозимида ишлаб келади. Эр-хотин бирбирига суяниб, ҳурматини жойига қўйиб бирга яшадилар. Улар узоқ йиллар фарзанд кўришмади. Кўплар уларга ажралиш ҳақида маслаҳат бердилар. Тотув оилага ҳеч ким раҳна сола олмади. Майдачуйда гапларга парво ҳам қилмай, ўз билганларини қилишиб - бола асраб олдилар. Ҳозирги кунда ўғли мактабни юқори синфида аъло баҳоларга ўқийди. Ота-онасини жону дилидан яхши кўради. Уй-рўзғор ишларига доимо ёрдам беради. Эр-хотин майда гаплардан қутулганига, болали бўлганига, қилган ишларига хурсанд. Бундай мисолларни кўплаб келтиришим мумкин.

5 фарзанднинг онаси, 6 нафар неваранинг бувижониси, ҳаётнинг машаққатли сўқмоқларини босиб ўтган бир она сифатида, Мафтунахон сизга маслаҳатим шуки, сиз тезлик билан бола асраб олинг! Тарбиялаб вояга етказинг. Эл-юртга қўшинг. Болангизнинг орзу-ҳавасини кўринг.

**Раъноxон ЖУМАНИЁЗОВА**

**Андижон вилояти,**
**Булоқбоши тумани**

**«Эҳ, менинг беозор дадажоним»—7-сон**

**Эслатма: Оилада 6 фарзандмиз. Дадам ўғил укам туғилганда: “Икки қиздан кейин ўғил кўрдим”, - деб хурсандчилигидан ичкиликка ружў қўйган. Онам эса дадамни бу йўлдан қайтариш ўрнига, ўзлари ҳам басма-басига ичкиликка берилган. Оқибатда онам ёмон йўлга кириб кетди. Дадам ичса ҳам беозор эди. Лекин онам туҳмат қилиб қаматиб қўярди-да, ўзи бошқа эркаклар билан бирга бўларди. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, фарзандларига бемеҳр, эрни эр ўрнида кўрмайдиган аёлга мўътабар она деган ном муносибми?**

**ШАҲЛО**

# ТУБАНЛИК

Шаҳлонинг дил сўзларини ўқиб, анча вақт ўзимга келолмай юрдим. Наҳотки, унинг онаси, шунчалик тубанликка бориб етса. Ўз фарзандларининг отасини шунчалик хор қилса.

Ахир ҳадисларда: **“Хотинларга энг қимматли киши, ўзининг эри, эрига энг қимматли киши онасидур” ёки: “Қайси бир хотин зарарсиз эридан талоқ сўраса, у хотинга жаннатнинг ҳиди ҳам ҳаромдир”,** дейилган. У аёл эса, ҳаттоки талоқ ҳам олмай, бошқа эркаклар билан болалари олдида кўнгилхушлик қилган. Бегуноҳ, беозор эрини ёлғон кўрсатмалар билан қаматиб юборган. Бундан ортиқ қабиҳлик бормикан? Кимлардир тирноққа зор, бундайларга эса болалар хор. Ахир бўйига етган қизига дардкаш, суянчиқ бўлиш ўрнига, у билан 3 йил гаплашмай юриш, суриштирмай -нетмай худди бевани узатгандек турмушга бериш бизнинг оналаримизга хос эмас. Оналаримиз фарзандининг қўлига зирапча кирса, киприклари билан суғириб олишади-ку! Ўзи емай едириб, уларга шамолни ҳам раво кўришмайди-ку! Мен шундай оналар ҳақида ўқигим, шундай оналар ҳақида эшитгим келади... Шаҳлонинг онасига эса эссиз оналик, эссиз аёллик дегим келади.

Тағин ҳам адалари ювош, кечиримли экан. “Ёшлари бир жойга бориб қолган бўлсалар-да, ҳалигача адамни уйга сиғдирмайди. Эр ўрнида кўриб муомала қилмайди. Умрим бино бўлиб, дадамга иссиқ чой дамлаб берганини, ёки бирonta кўйлагини, пайпоғини ювиб, меҳрибончилик қилганини билмайман”, - деб ёзибди Шаҳло. Шу туфайли фарзандлар ҳам бебахт. Ахир биз оналар Оллоҳ олдида фарзандларимиз учун жавоб берамиз-ку! Мен бу аёлга Худодан инсоф сўраб қоламан. Зора, фарзандларини қаноти остига олиб, турмуш ўртоғига ҳам иззат кўрсатса. У аёлга айтар гапим: ҳалиям кеч эмас, улардан узр сўранг, мурувватингизни аяманг яқинларингиздан. Ҳеч бўлмаса кейинги фарзандларингиз бахтли бўлсин.

Шаҳло, сизга ҳам ҳаётингизда бахт тилайман. Ҳали сизни тушунадиган одам учраб қолар. Шунчасига сабр қилибсиз, албатта бунинг ажрини оласиз. Бу ҳам бир синов. Худо хоҳласа онангиз ҳам сизни бағрига босиб қолар.

**ДИЛФУЗА**

**Тошкент шаҳри**

# ТАБРИКЛАР, ҚУТЛОВЛАР!



**Ҳурматли куёвим ҲАКИМЖОН!**

51 ёшга тўлишингиз билан чин дилдан табриклаймиз. Ишларингизга омад ва мустаҳкам соғлик тилаймиз.

**Ойижонингиз Зуҳра, Гўзал ва Шаҳзодбек**



**Мухтарама Дилшода БОБОЁРОВА!**

Сизни 24 ёшингиз билан чин юракдан қутлаймиз. Келгуси ҳаётингиз гўзал ўтишини тилаймиз. Ишларингизда омад ёр бўлаверсин.

**Синфдошларингиз Самарқанд вилояти, Ургут тумани**

**ООО *Тўртинчи* Масъулияти чекланган жамият стоматологик поликлиникаси жарроҳи, қадрдон дўстимиз, ҳамкасабамиз Набиев Абдуфаттоҳ АБДУХАЛИЛОВИЧ!**

Сизни таваллуд айёмингиз билан қутлаб, умрингиз бахту шодликка тўлишини тилаймиз.Масъулиятли касбингизда ишлаб кексаю ёшнинг дуосини олиб юринг. Фарзандларингизнинг роҳатини кўринг.

**Ҳамкасбларингиз Аҳрор, Асқар, Равшан**

**Дадажоним Асатилло МИРЗАҚУЛОВ!**

Сизни таваллуд кунингиз билан қутлайман. Бахтимизга доимо соғ бўлинг. Бизнинг камолимиздан қувониб юринг.

**Қизингиз Дилбар, Термиз шаҳри**

# АШАДДИЙ МУХЛИСМАН

Мен яқин 11-12 йил атрофида "Оила ва жамият"нинг ашаддий мухлиси сифатида ўқиб келаман. Бирор-бир сонини ўтказиб юборсам урди худо. Муболаға қилаётганим йўқ. Саҳифалар сони кўпайгани нур устига аъло нур бўлди. Газетангиз саҳифаларида берилаётган ҳар бир тақдир эгаларининг мақоласи, ҳар хил маслаҳатларни худди Саҳрои-Кабирда қолган йўловчи каби чанқаб-чанқаб ўқиман.

**Газетхон — газета ва ҳаёт ҳақида**

Мен ҳам ҳаётнинг чарҳпалагида айлана-айлана юрибман. Баъзан хаёлимга ҳар хил фикрлар, турли хил шеърлар келиб қолган пайтда, дарров дафтарга ёзиб оламан. Шуларни севимли газетам саҳифаларида ёритилса жуда хурсанд бўлардим.

* * *

***Тилим ўз душманимдир, шуни билиб туриб тилимнинг жазосини бера олмайман. Кўнгил ўлгур бўш-да!***

* * *

***Ҳеч қачон бировга ҳасрат қилма, чунки худодан бошқа ҳеч бир банда сенга ёрдам беролмайди. Одамлар эса фақат устингдан кулади, холос.***

* * *

***Ҳаёт қисқа деймиз-у, лекин у барибир адоқсиздай.***

* * *

Севги тузатса бўладиган хасталик. Бу хасталик билан бир киши оғриса тузалиши қийин бўлади. Ўзинг ёққан ўтда жизғанагинг чиқиб қовурилаверасан. Қовурилаверасан-у, лекин "дод-вой" қилолмайсан. Бунга ғурур, деб аталмиш бир мўъжизали туйғу йўл қўймас экан. Яхши ҳамки ана шу мўъжиза бор. Бўлмаса ҳамма ёқни хор-зор бўлганлар босиб кетармиди? Дунёнинг тарозиси қачон тенг турар(кин)?

**Муҳаббат БУРХОНОВА**

**Тошкент шаҳри**

# ЖЎМРАКДАН ЧАЁН ТУШДИ

**Ажойиб ғаройиб**

Буни менга қишлоқдаги келинимиз айтиб берганди. Болалар ёшлигида ўзига хос феъл-атвори билан гоҳ кулдирса, гоҳо сўйдирадилар. Уларнинг ўзига яраша инжикликлари бўлгани ҳам дуруст экан. Ушбу воқеани эшитиб бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Уч ёшли ўғлим Сарвар шу қадар бийрон гапирадики, баъзан катталарни ҳам довдиратиб қўярди. Жуда ширинтой бу ўғлимнинг бир қилиғи бор эди. Чанқаб қолса чой сўрарди. Агар унинг олдига ошхонадан пиёлада сувми, чойми олиб келиб берсак ичмай йиғлай бошларди. Чойнакни суви билан олиб келиб унинг кўз олдида пиёлага қуйиб берганимиздан кейингина ичарди. Унинг шу қилиғидан гоҳо қотиб-қотиб кулсак, гоҳо хуноб бўлардик.

Қарангки, боламнинг шу антиқа феъли уни бир ўлимдан қутқариб қолди. Бир куни қўшни қишлоққа бордик. У ердаги холамнинг ошхонаси пахса деворли эди. Кўпинча ошхонадан чаён чиққанини айтиб беришарди. Кечқурун ётай деб турганимизда ўғлим: "Сув ичаман", деб қолди. Холамнинг қизи туриб ошхонадан сув олиб келди. Пиёлани кўрган ўғлим унинг қўлини итариб ташлаб, йиғлай бошлади. Табиийки, холамнинг қизи бунинг сабабини тушунмади. Холам эса:

- Яхшиси катта чойнакни олиб кела қол, қизим, - деди.

Умида чойнакни олиб келиб пиёлага сув қуймоқчи бўлди. Жўмракка нимадир тиқилгандек сув яхши тушмади. Холам чойнакни олиб яхшилаб силкиб пиёлага сув қуйди. Бундай қарасак... Жўмракдан пиёлага тушган чаён типирчиларди. Биз даҳшатдан қотиб қолдик. Агар ўғлим ўша сувни ичганида борми...

Хуллас, шу куни ўғлимнинг бу қилиғи кўпчиликни бир фалокатдан сақлаб қолди.

**Дилфуза ХОЛМАТОВА**

# БАРНО ЎҚИШГА КИРДИ

Ҳамқишлоғимиз Барно икки йилдан буён ўқишга киролмасдан хафа бўлиб юрарди. Бу йил ҳам институтга кириш тестларини топшириб келганди. У шифокор бўлишни жуда орзу қиларди. Ҳозирча бўш вақти бўлгани учун биз билан бирга жўхори чопиққа чиққанди.

Далада ишлаб чарчагач, тушлик қилиб ўтиргандик. Бригадиримиз Сувонқул ака келиб қолди. У жуда ҳазилкаш, яхши инсон эди. Биз билан овқатланиб, чой ичарканчетда китоб ўқиб ўтирган Барнога қараб деди:

- Қизим, кел, биз билан ўтирмайсанми? Ҳали Тошканга ўқишга кетиб қолсанг биз сени соғиниб қоламиз-ку,- деди.

Барно эса китобдан бош кўтармай:

- Э, ҳали ўқишга кирдимми йўқми, билмайман. Агар ўтмаган бўлсамчи? - деди. Чунки, у тестларнинг натижасини кутарди.

Сувонқул ака эса: «Мени айтди дерсан қизим, албатта кирасан. Тушимда сенга бир даста китоб ва дафтарлар бераётганмишман. Сен эса оппоқ кўйлак кийиб, йўлга отланаётган эмишсан»,- деди. Бу гапни эшитиб кўпчилик мийиғида кулиб қўйган бўлса-да, туш ростга айланди.

Орадан кўп ўтмай Барнонинг ўқишга кирганлиги ҳақидаги хабарни эшитдик. Эртасига далада бирга ишлайдиган қизлар, йигитлар уни кузатгани бекатга чиқдик. Барно эса оппоқ кўйлак кийиб олган, отаонаси ва укалари билан хурсанд холда гаплашиб турарди.

Сувонқул ака эса тушининг ўнг келганидан хурсанд эди.

**ҲАМИДА**

# ЭЪЛОНЛАР!


## "Madina Begim" ЎҚУВ МАРКАЗИ СИЗЛАРНИ ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

1. Сартарошлик - **3 ой** (стрижка, укладка, химия, мелирования, тўй, оқшом гуллари), 2. Сартарошлик - **1 ой** (тўй оқшом гуллари), 3. Маникюр - педикюр бадиий (тирноқ устига гул тушириш), 4. Косметолог - визажист - **1 ой** ( тўй оқшом макияжи, маскалар тайёрлаш), 5. Қандолатчилик - **2 ой** (торт, печенье, салатлар), 6. Қўлда тўқиш - **3 ой**, 7. Уй ҳамшираси - **3 ой**, 8. Массаж - **3 ой**, 9. Парда - пакривал тикиш ва дизайн (элита усулида 2 ой), 10. Компьютер - **2 ой**.

**Ҳамма курслар олий тоифадаги мутахассислар томонидан амалиёт билан олиб борилади. Ўқишни битирганларга диплом берилади.**

**Манзил: 1. Хадра меҳмонхонаси 5 эт. 510 хона**
**Тел: 144-28-11, 45-95-48**
**Мўлжал: Циркнинг ўнг томонида 9 эт. Бино**
**2. Кора-қамиш даҳаси 242-мактаб ичида. Мўлжал: Тансиқбоев бозори ёнида**

## ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА БИЧИШ ВА ТИКИШ ЎҚУВ МАРКАЗИ «МОҲИР ҚЎЛЛАР»



**Куйидаги пуллик курсларга қабул эълон қилади:**

— Моделчи-технолог (бичиш-тикиш курслари) — **2; 4 ойлик;** — Эркаклар кийими — **2 ойлик;** — Аёллар костюми, палтоси, плаши — **3 ойлик;** — Дарпарда, парда, чойшаб, ёстиқ, дастурхонлар — **1,5; 3 ойлик. Диққат — Янги курс: Тўй ва оқшом либослари-2 ойлик (20-25хилдаги ЭЛИТА усулида). Уй ҳамшираси массаж билан — 2-3 ойлик. Тортлар, дастурхон безатишни ўргатамиз — 10-кун. Мунчоқлар билан безаклар, кашталар тикиш — 2-ой**

Битирганларга диплом берилади.

Қабул ҳар куни (якшанбадан ташқари) соат 10 дан 14 гача.

**Манзилимиз: Пушкин кўчаси, 7-уй, 3-бизнес мактаби, 4-қават, 524-хона. Мўлжал метронинг "Амир Темур" бекати, Магазин "Top moda". Ўқувчилар учун имтиёз бор**

**Тел: 133-73-97, 76-66-33, 162-49-85**

## «КАМОЛОТ-КОМПЬЮТЕР» ўқув маркази таклиф қилади.

**3 ойлик курслар:**
- Инглиз тили, - Инглиз тили ва компьютер, - Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер билимлари, - Банк иши ва компьютер билимлари, - Теле-радио-видео аппаратураларини таъмирлаш устаси, - Рус тили.
- Компьютерларни таъмирлаш устаси

**2 ойлик курслар:**
- Компьютер билимлари: (Windows-2000, Ms Office) INTERNET, E-MAIL.
- Бухгалтерия ҳисоби, - Енгил автомобилларни электр қисмини созлаш. **1-С Бухгалтерия** дастури — **1 ойлик.**
**- Компютер, принтер, телевизор таъмирлаймиз.**

**Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади. Манзилимиз: Тошкент, Навоий кўчаси-9, «Пищепром» лойиҳа институти биносининг 4-қавати. (ТРАСТБАНКнинг ёнида.) Тел: 41-33-96, 41-07-82**

## УРОЛОГ ВРАЧ, ДОЦЕНТ РЎЗМЕТОВ МЭЛС ҒОЗИЕВИЧ

**ЭНУРЕЗ ХАСТАЛИГИ БИЛАН ОҒРИГАН қовуғи бўш 10 ёшдан ошган ЎҒИЛ ва ҚИЗ болаларни БАТАМОМ ДАВОЛАЙДИ.**

Буйрак, қовуқ, простата бези касалликларини аниқлайди ва ДАВОЛАЙДИ.

Қабул вақти чоршанба, пайшанба, якшанба кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача.

**Манзил: Тошкент тумани, Генерал Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги, Бобоев кўчаси, 12-уй. "Чорсу" шоҳбекатидан 464, 469,522-автобусларнинг "Генерал Собир Раҳимов" бекатигача борилади. Телефон: 47-86-83. Лицензия рақами 3271**

## "ОИЛА ЗИИНАТИ" МАРКАЗИ

**Қизларни ва келинчакларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида қуйидаги ўқув курсларни ташкил этди:**



**2-ОЙЛИК**

- Бичиш-тикиш (тезкор гуруҳ). "Элита" усулида пардалар, чойшаблар тикиш, (буюртма оламиз). Торт ва салатлар тайёрлаш. Компьютер билимлари, (Windows - 2000). Массаж (амалиёти билан). Оқшом либосларини безаш (гул ясаш). Инглиз тили, (ўзбек ва рус тилларида).

**3 ОЙЛИК**

- Кийимларни биссер билан безаш. Кўрпа, кўрпача ва тўн тикиш (буюртма оламиз). Юмшоқ ўйинчоқлар ва бешик асбобларини тикиш.

**4 ОЙЛИК**

- Бичиш - тикиш (бошловчилар учун), .(буюртма оламиз). Сартарошлик. Косметология. Машинада гул тикиш (кашта).

**Машғулотлар амалиёт билан бирга қўшиб олиб борилади. Кам таъминланган оила фарзандларига чегиримлар бор. Битирувчиларга диплом-сертификат берилади.**

**Манзил: Халқлар дўстлиги бекати. Фурқат кўчаси, 1-уй. Спорт қўмитаси биноси ёнида, 2 қават 202 - хона. Телефонлар: 45-18-42, 29-28-58, 98-07-78**

## ОЛИЙ ВА ЎРТА ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ШАҲАР УМКХТ БОШҚАРМАСИ ТАСАРРУФИДАГИ ТОШКЕНТ ТРАНСПОРТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

**2003-2004 ўқув йили учун 9-синфни битирувчи Тошкент шаҳрида яшовчи йигит ва қизларни танлов асосида ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:**

**Ўқиш муддати 3-йил**

1. Метрополитен электр поездидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатувчи уста ( Машинист ёрдамчиси); 2. Метрополитен бекати ва бекат хўжаликларига хизмат кўрсатувчи уста ( Метро бекати навбатчиси, СЦБ ва алоқа электр механиги); 3. Бухгалтерия ҳисоботи; 4. Пайвандлаш устаси; 5. Компьютер тармоғи ва ЭҲМга хизмат кўрсатувчи уста; 6. Автомобильдан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш бўйича уста; 7. Солиқ солиш. Солиқ бўйича агент.

**2003-2004 ўқув йилига 11-синфни битирувчи Тошкент шаҳрида яшовчи йигит ва қизларни контракт асосида қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқишга таклиф қилади:**

**Ўқиш муддати 1-йил**

1. Метрополитен электр поездларига хизмат кўрсатувчи чилангарчилик (Машинист ёрдамчиси); 2. Метро бекати навбатчиси; 3. Солиқ олиш агенти, бухгалтер; 4. ЭҲМ оператори, бухгалтер

**ЎҚИШ ШАКЛИ КУНДУЗИ**

Ўқувчиларга ишлаб чиқариш амалиёти даврида ишлаб чиқаришдан тушган иш ҳақининг 50% берилади.

**Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:**

1. Ариза
2. Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт
3. Маълумоти ҳақида гувоҳнома (асл нусхаси)
4. Яшаш жойидан маълумотнома
5. 6 дона 3-4 фотосурати
6. Тиббий маълумотнома (286 форма)

**Манзилимиз: Чилонзор Д-20 даҳаси, 35-а уй. Автобус: 69, трамвайнинг 17нинг коллежи бекати. Тел: 116-21-74**


Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2003 йил 6 майдаги 10-0304/1325 сонли Қарорига асосан, Тошкент шаҳар "Юнусободқурилиш" трестининг 6-сонли қурилиш бошқармаси банкрот деб топилган ва унга нисбатан тугатиш ҳаракати бошланган.

Ишончли шахс этиб, Юнусобод тумани ДСИ вакили - Қиличев Б.К. тайинланган.

Тугатиш комиссияси манзили: Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчаси 95 уй, Юнусобод тумани ДСИ биноси 5 хона.

Мурожаат учун телефон: 137-54-85

Белгиланган тартибга кўра, корхонанинг топширилмаган муҳри ва бурчак тамғаси БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

**Об-ҳаво маълумоти**

***Беш кунликнинг биринчи ярмида республикамизда ёғингарчилик бўлмайди. Айрим шимолий районларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб момақалдироқ бўлади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсган шамол шарқ томонга ўзгаради. Беш кунликнинг биринчи ярмида кечаси $19^{\circ}$-$24^{\circ}$, жануб ва чўл ҳудудларида $21^{\circ}$-$26^{\circ}$ кейинчалик 16-$21^{\circ}$ иссиқ бўлади. Жануб ва чўл ҳудудларида кечаси $18^{\circ}$-$23^{\circ}$, кундузи $33^{\circ}$-$38^{\circ}$, шимолда кечаси $16^{\circ}$-$21^{\circ}$, кундузи $33^{\circ}$-$35^{\circ}$ иссиқ бўлиши кутилмоқда.***

# ШУНДАЙЛАР БОР БЎЛСИН

Баҳор ойларининг ёмғирли, совуқ кунларидан бирида мен оила аъзоларим билан уришиб, жаҳл билан юпун кийимда кўчага чиқиб кетдим. Мен ҳомиладорлигим учун, совуқ бўлгани учун, ёнимда пулим йўқлиги учун катта кўчада дийдираб, бир дарахтга суяниб турардим. Бекатдаги одамлар, транспортдаги одамлар менга ажабланиб, қараб кетардилар. Лекин уларнинг ҳеч бирлари: "Нега йиғлаяпсан, нега устинг юпун?"- демадилар. Шунда мен тушкунликка тушиб, жонимга қасд қилмоқнинг йўллари ҳақида ўйлай бошладим. Ногаҳон ёнимга бир новвот ранг "Тико" автомобили келиб тўхтади. Машинадан бир фаришта сифат, чиройли, 45-50 ёшлардаги аёл тушдию, ёнимга келиб: "Қизим, жон болам, болажоним сизга нима бўлди?",- деб, дарҳол мени суядилар. Устларидаги қимматбаҳо костюмни ечиб, менга кийгиздилар ва етаклаб олиб бориб машинага ўтқаздилар. Мени дарҳол Дўмбирободдаги "Тез тиббий ёрдам" касалхонасига олиб боришди. Бу ердагилар уларни танишар экан, дарров Санобар опа келдилар", - деб, менга тез тиббий ёрдам кўрсатдилар. Ҳароратим баландлиги учун, беҳуш бўлиб қолибман. Анча вақтдан сўнг ўзимга келсам, тепамда ўша сиймо - менинг халоскорим ўтирибдилар.

Шунда улар мени ўз онам каби кўзларида ёш билан, "Болажоним, ойдин қизгинам энди менга рухсат беринг" - деб , пешонамдан ўпиб кетдилар. Бир қанча фурсатдан сўнг яна ёнимга келиб, соғлигим яхши бўлганидан хурсандликларини айтиб, менинг исмимни, турар жой манзилимни сўрадилар. Менга иссиқ нон, қаймоқлар олиб келган эканлар, нонушта қилдириб ишга кетдилар. Шу куни тушдан сўнг менинг фариштам Санобар опам қайнонам, турмуш ўртоғим ва икки жажжи фарзандим билан етаклашиб келдилар. Уларнинг ширин сўзлари, ақлли гаплари бизнинг оиладагиларни лол қолдирди. Улар бизларни муросага келтириб, анча панд-насиҳат қилдилар. Ҳар бир айтган гаплари мени ҳаётга бошқача назар билан қарашга ундади. Санобар опа "Оила ва жамият"нинг ҳар бир сонини севиб ўқир эканлар. Ҳамма сонларини китобдай қилиб тикиб қўйибдилар. Менга газетанинг олдинги - яъни 2002 йилдаги сонларини ҳам олиб келиб бердилар. Шундан сўнг бу газетага менинг ҳам меҳрим тушиб қолди. Мени шундай зиёли, бағри кенг, ажойиб аёл билан таништирган Оллоҳга шукурлар айтаман. Мени ҳаётга қайтарибгина қолмасдан, ҳаётни севишга, оилани эъзозлашга ҳам ўргатдилар. Уларнинг 4 ўғиллари бор экан. Қизлари эса йўқ экан. Лекин 2 та келинлари бор экан. «Келинларим гўёки қизларим. Улар келин эмас, менинг дилбандларим, наслимизнинг давомчилари», - дедилар.

Яқинда, қизлик бўлдим. Қизимнинг исмини Санобар қўйдим. Оллоҳнинг яна бир марҳамати, Санобар опамлар ҳам июн ойида таваллуд топган эканлар. Мен шахсан ўзим, турмуш ўртоғим, онам-отам, қайнонам, қайнотамлар, хуллас барча яқинларим номидан уларга боқий умр, сиҳат-саломатлик тилайман. Ўғилларининг камолини, набираларининг тўйларини кўриб, турмуш ўртоқлари билан қўшақаришларини чин юракдан истайман.

Мен ўзим аслида Чинозликман, Тошкентга келин бўлиб тушганман. Ҳозирда Бодомзор маҳалласида яшаймиз. Тиллар университетини битирганман. Эрим билан севишиб турмуш қурганмиз. Яна бир гапни айтиш ёдимдан чиқаёзибди. Менинг касалхонада даволанишимга кетган маблағнинг ҳаммасини ўша Санобар опажоним тўлабдилар. Чунки касалхонада даволанарканман, мендан ҳеч ким, ҳеч нарса сўрагани йўқ. Санобар опа шундай бағри кенг, олийжаноб, меҳри дарё аёл эканлар, улар ҳақида қанча гапирсам кам. Оддий гап билан ифодалаб бўлмайди, таърифлаб ҳам...

**ГУЛНОЗА**
**Тошкент**

Ҳаёт ташвишлари ва қувончлари

# МЕҲР БУЛОҒИ

***Ҳаётда кўпчилик, ўгай оналарга нисбатан ёмон муносабатда бўлишади. Лекин ўгайлигини билдирмайдиган ажойиб, меҳрибон, муниса оналар ҳам кўплаб топилади. Ўзининг ўгай онаси - Рисолат ая ҳақида Жасурбек, деган йигит менга шундай ҳикоя қилганди...***

...Ўшанда 4-синфда ўқир эдим. Бир куни уйимизга Сора бувим келди-да, дадамга: "Ўғлим, гўдакларингизга она зарур, аёлсиз уй зиндонга ўхшайди. Бу худонинг иши. Қизим болаларига бош бўлиб юрганида қандай яхши эди. Биз бандаларнинг қўлидан нима ҳам келарди, жон болам", - деб кўзига ёш олди.

Дадам бошини қуйи эгиб жим ўтирарди.

Бувим бир менга, бир бурчакда қўғирчоғини ўйнатиб ўтирган синглим Тоҳирага қаради-да, яна гап бошлади:

- Бери кел, - Жасурбек, Тоҳира сенам кел, қизим, - деб иккимизни қучоғига олди. Дадам индамай чиқиб кетдилар.

- Сизларга аянгни олиб келиб берайми?

Мен ҳайрон бўлдим. Тоҳира эса:

- Ҳа, бувижон, аяжонимни олиб келинг, - дея ҳархаша қилди.

- Бор, дадангга айт, - дея Тоҳирани чиқариб юборди бувим.

Мен аяжоним ҳеч қайтиб келмаслигини билардим, лекин нимагадир умид қилардим, нимадир бўлишини кутиб яшардим. Ўзим билмаган ҳолда кутганим ҳам рўй берди. Уйимизга янги ая келди. Нимагадир янги-"аям"га кўниколмай юрдим. Тоҳира эса ўша кундан бери, "аяжоним" дея ундан ажрамади. Ўта меҳрибон ва мулойим эди. Мен ҳам бора-бора унга кўника бошладим. Кунлар ўтиб меҳрибон аяжоним бизга жажжигина чақалоқ олиб келди. Тоҳира икковимиз роса қувондик. У чақалоқнинг ёнидан жилмас эди. Аям билан бирга тез-тез Сора бувимларникига бориб турардик. Ҳар борганимизда бувим аямни дуо қилиб кўзига ёш оларди.

Эсимда, бир куни дадам менга кетаётиб: - Тур, Жасурбек. Энди катта йигит бўлиб қолдинг. Онангга уй ишларига ёрдамлашгин", - деганида аям: - "Йўқ, дадаси, болам ҳали ёш, тўйиб ухласин, ишнинг поёнига ким етибди. Ўзим бажаравераман", - деди. Негадир аямнинг меҳрибонлигидан йиғлагим келган. Аям дадамга ҳеч қачон тик боқмас, қаттиқ гапирмас эди.

Бир куни кўчадан, ўйинга қизиқиб, кеч қолиб қайтдим. Ҳовлига киришим билан бехосдан онамнинг: "Болангизга бундоқ тарбия берсангиз-чи, бунча талтайтирасиз", - деганини эшитиб қолдим. Аямнинг бу тарзда гапиришини биринчи марта эшитаётган эдим. Нимагадир онамни эслаб йиғлагим келди.

- Қайси боламга? - деди дадам.

- Мана бу митти Жаҳонгирингиз кеча ойнани синдирди, бугун ҳархаша қилиб пиёлани отиб юборди. Акасига ўхшаб ўсмаяпти, бу бебошингиз...

Ҳаяжондан қотиб қолган юрагим бирдан ура бошлади, назаримда, "Болангиз", деб гапиргани учун мен ҳақимда гапираяпти, деб ўйлабман. Эсимда, ҳайитдан бир кун аввал тонгда аям: "Болам, юр бир жойга бориб келамиз", деб мени эргаштириб йўлга тушдилар. Биз қабристонга яқинлашдик. У ерда онам қабрини зиёрат қилдик. Атрофи чиройли қилиб ўралган, айлантириб турли хил гуллар экиб қўйилган. Қабрни бегона ўтлардан тозалаб, гулларга сув қуйдик. Сўнг аям қироат билан "Фотиҳа" сурасини ўқидилар. Тўғриси, бу гулларни Сора бувим ёки тоғамлар экиб қўйган бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Кечқурун дадам:

- Аяси, Шаҳодатнинг қабрига бу йил ҳам гулларни жуда чиройли қилиб экибсиз, Бувимлар жуда хурсанд, сизни дуо қилишаяпти, - деди.

Ўйлаб қарасам 10-синфда ўқияпман-у, бирор марта ўзим билиб онам қабрини зиёрат қилмабман. Сора бувим йиғлаб онамни эслаганларида эсга олардиму тўғриси бошқа пайт ўйламасдим. Бугун аям билан онам қабрига бориб жуда таъсирланиб кетдим. Шунчалик тошбағирман-ми дея хўрлигим келди. "Ҳеч ким йўқ жойга ўтиб: "Мени кечиринг, онажон", - дея тўйиб-тўйиб йиғладим.

Қизиқ, юрагимдаги сирларимни негадир бувимга эмас, дадамга ё синглимга эмас фақат аямга ишониб айтгим келарди.

Айтдим ҳам. Ферузани севиб қолганимни айтдим. Аям: "Хўп болам, даданг билан маслаҳатлашамиз", - деди.

Шундай қилиб тўй бўлди. Никоҳ кечамизни очиш учун бошловчи аямга сўз берганида аям Сора бувимни етаклаб чиқди.

Сора бувим йиғлади, гапирди, хуллас онамни, бизни дуолар қилиб даврани очди. Даврада аям ва бувим рақс тушаяпти, уларни кўрган киши албатта она-бола эканлигига шубҳа қилишмайди. Билганлар эса ҳавас билан аямга таҳсин ўқишяпти.

Онамни йўқотган куним дунёдаги энг ёлғиз ва энг бахтсиз одам мен бўлсам керак, деб қуюнган эдим. Йўқ, аксинча мен жудаям бахтлиман. Зеро, менга бу, бахтни меҳрибон аяжоним берди.

Беихтиёр ўйланиб қоламан, шунча ишни бажариш учун кишига метин ирода, катта матонат керак. Аяжоним бу булоқни қаердан олди? Назаримда аяжонимнинг ичида булоқ бору, мен шу булоқдан қониб-қониб сув ичдим. Ана шу меҳр булоғи билан тирикман.

***Жумагул КЎЧҚОРОВА***
**Бешариқ тумани**

# СИЗ ҲАМ КЕЛИН БЎЛГАНСИЗ...

27 ёшдаман. Битта қизим бор. Эрим билан ажрашганман. Рўзномаларда кўпчилик келинлар қайнонаси билан келиша олмай турмуши бузилганини ёзишади. Ҳамма қайноналарни ҳам ёмон деб бўлмайди, албатта. Аммо баъзи қайноналарнинг келинга нисбатан бегона кўз билан қараши туфайли оилавий ажримлар юз бераётганлиги сир эмас. Шу муносабат билан оналар-қайноналарга айтмоқчиман.

Азиз ва муътабар оналар! Мана сиз не-не орзу-умидлар билан хонадонингизга келин туширдингиз. Энди сиз нафақат она, балки ўзингизда қайнона масъулиятини ҳам ҳис этасиз. Бу масъулиятни астойдил бажаринг! Келиннинг: "Қайнонамни ўз онамдек кўраман", - дейдиган илиқ сўзлар билан аталишингизга имконият яратинг! Қачонлардир сиз ҳам келин бўлиб, бу савдоларни бошдан кечиргансиз. Сизнинг келинга бўлган муомалангизни кўриб уйнинг бошқа аъзолари ҳам у билан меҳр-оқибатли муносабат боғлашади. Ўз оила аъзоларингизга бир хилда ҳукмингизни ўтказинг. Шу тариқа келинга ҳам яхшилик билан йўл-йўриқлар кўрсатинг, имкониятлар яратиб беринг. Инсон то умрининг охиригача ҳаёт сабоқларидан ўз малакасини оширакан. Келин уйнинг янги аъзоси. Бу уйнинг сир-асрорини, қоида-қонунини ўргатиш қайнонанинг вазифаси. Рўзғорда қайнона-қайнота ўз қадр-қимматларини йўқотмай адолат билан иш юритишса, уйдан қут-барака, аҳил-иноқлик аримайди. Шу дамда ўз қайнонасидан мамнун бир аёлнинг сўзлари эсимга тушиб кетди:

- Мен қайнонамдан бир умр миннатдорман. Келин бўлиб тушганимнинг эртасига қайнонам: "Бу рўзғор деганнинг азоби ҳам, севинчи ҳам бор. Сенга келинлик вазифаларингни ўргатаман, бу ёғи ўзингга ҳам боғлиқ", - деганлар. 10 кунгача орқалардан эргашиб ишларни синчковлик билан кузатдим. Шу тариқа келин бўлиб тушган уйимга кўникдим.

Оналаримизга илтимосим шуки, ҳаётда азиз ва муътабарлигингизча қолинг. Ўз келинингиз дилини ўкситманг, уларга ҳаёт тажрибаларингизни ўргатинг. Ахир, у бўлажак набирангизнинг онаси. Набира кўриш билан севимли буви даражасига етасиз. Ўғлингиз аёли билан бахтли бўлишида, келинингиз сизга суюкли келин бўлиб хизмат қилишида ўз меҳр-мурувватингизни дариғ тутманг! Токи, улар сизлар тўғрингизда яхши гаплар айтиб, хушмуомалада бўлсинлар ва олтинга тенг дуоларингизни олишга муштоқ бўлсинлар. Ҳаётимиз келинлар, қайноналар аҳиллиги билан гўзал! Ҳеч қайси хонадонда келинлар йиғлаб бахтиқаро бўлишмасин! Ҳар бир ўзбек хонадонида қўли кўксида, таъзимда бўлган келинларимиз, қўли дуода, қалблари меҳр-мурувватга тўла оналаримиз омон юрсинлар!

**Барно СОБИРОВА**
**Хоразм вилояти**
**Хазорасп тумани**
**Питнак шаҳри**

# ЙИГИТ УЧРАШУВГА КЕЛМАДИ

Қишлоғимизда шундай воқеа бўлди. Абдуносир бобонинг тўнғич неварасига совчилар кела бошлади. Бу хонадонда Абдуносир бобонинг гапи-гап эди. Унинг фикрини инобатга олиб иш юритиш таомилга айланган. Абдуносир бобо бу гал фикр билдиришга шошмади. Совчилар учинчи бор келишганида у: «Йигит билан қиз учрашсин. Бир-бирига маъқул келадими ёки йўқми»,- деган жавобни қилди. Совчилар хурсанд бўлишиб қайтишди.

Совчилар келиб-кетиб юришаркан, Абдуносир бобо совчи жўнатган йигитнинг насл-насабини суриштириб билганди. Тўғрироғи, йигитнинг оиласи унга маъқул бўлмади. Лекин бу гапни совчиларга айтолмайди-ку!

Шу орада Абдуносир бобонинг катта ўғли - яъни қизнинг дадаси ишдан бўшабди, деган гап-сўзлар чиқиб қолди. Каттароқ ишда бўлганидан кейин анча миш-миш гаплар чиқаркан-да. Ҳар қалай қизнинг отаси ишга бормай қишлоқда юриб қолди. Қиз билан йигит кўришадиган куни Абдуносир бобо ўғлини ёнига ўтқазиб, шундай маслаҳат солди.

- Мен совчиларга, қизимиз йигит билан кўришсин, ана шунга қараб бирор гап қилайлик деган эдим. Бугун улар кўришади, сен нима дейсан?

- Сиз нима десангиз, шу дада, - жавоб қилди ўғли.

Шундай қилиб, Абдуносир бобонинг тўнғич неварасини учрашув жойига янгаси бошлаб кетди. Аммо йигит учрашувга келмади. Миш-миш гапларга қараганда, йигитнинг аяси ўғлига шундай дебди:

- Учрашувга бориб нима қиласан? Қизнинг дадаси ишдан бўшабди.

- Бормасам номардчилик бўлмайдими, ая?

- Сенга ёрдами тегармикан дегандим. Яхшиям унаштириб қўймаганим. Амалда турганида бошқа гап эди. Бекорга йўлкирага тушиб келасан.

- Сиз нима десангиз, шу ая.

- Мана бу бошқа гап. Худо хоҳласа амалдорга қуда бўламиз.

Бу гаплар албатта Абдуносир бобонинг қулоғига етиб келди. Ана шунда мен Абдуносир бобонинг нима учун арқонни узун ташлагани сабабини тушундим. «Қарини қопда сақла, ўлигини ҳафта сақла»,- деган мақол ниҳоятда билиб айтилган экан.

**Н.КОМИЛЖОН**
**Андижон вилояти**

# БИЗНИ ТАШЛАБ КЕТМАНГ... ДЎСТЛАР

2002 йил 27 апрел. Ўша куни кимлардир туғилган кунини, кимлардир никоҳ тўйларини нишонлашгандир. Бизнинг атрофи тоғлар билан қўрғонлашган қишлоғимиз кишилари учун эса ўта қайғули кун бўлди. Тинчгина, оддийгина оила - Тилак ака ва Марҳамат опалар хонадони бу кутилмаган фожеадан қаддилари букилиб қолди. Уларнинг 18 ёшли Худойберди, 17 ёшли Жавлонбек исмли ўғиллари дўстлари билан тоққа - равоч теришга бориб, бир кеча бўронда қолиб ҳалок бўлишди.

Аслида воқеа бундай бўлган эди. 25 апрел куни улар уч-тўртта жўралари билан равоч баҳона бир сайлга чиқмоқчи бўлдилар. Ҳаво яхши. Уйлардан кўриниб турган тоғ ўзига чорлайдиган даражада гўзал (қишлоқ болалари бу ойни жуда орзиқиб кутишади). Хуллас, сафар жабдуғини тўғрилаб, эрталаб йўлга тушдилар. Ҳамманинг руҳи кўтаринки, улар узоқни кўзлаб боришарди. Ўша куни бир ғорда гулхан ёқишиб, суҳбатлашиб тонгни кутиб олишди. Кундузи эса роса равочхўрлик қилишди. Кўтарганларича уйларига ҳам теришди. Қарасалар, ҳавонинг авзойи бузиляпти, манзил йироқ, борлиқни туман қоплаб, бўрон турмасдан йўлга тушишга шошилдилар. Болаларни уйқусизлик, нам ҳаво толиқтириб қўйганди. Табиат айтганини қилди. Йўл ярим бўлмасдан жала аралаш ёмғир бўронга айланди. Дўстлари қарашса, икки ака-уканинг аҳволи жуда чатоқ, ҳатто орқаларидаги тўрхалтани олиб ташлолмайдилар. Ёшлик-ғўрлик. Шу ерда болалар бир адашишади: "Сизлар шу панароқ жойда қимирламай ўтира туринглар, биз отангизни ҳозир айтиб юборамиз", - дейишиб йўлга тушишади. Яратганнинг буйруғи бу - ўлим. Уларнинг пешонасига шундай тақдир битилган экан, начора. Лекин агар болалар бу ҳолга енгил қарамай ака-уканинг юкларини елкаларидан (мажбурлаб бўлса-да!) олиб ташлаб, ўн қадамдан судрашса ҳам масофани қишлоққа яқинлаштирган бўлардилар. Ваҳоланки, уларда юк ташувчи - эшак ҳам бор эди. Албатта, бундай фожеа рўй бериши уларнинг тушларига ҳам кирмаганди.

Ака-укалар, дўстлари қўйиб кетган жойда ўтиришолмади. Ҳарна отамга осон бўлсин, деб юз машаққат билан йўлга тушишди. Йўллар қуюқ туманлиги учун адашиб қолишди. Очликдан, совуқдан ҳолдан тойган икки навқирон ўспирин йигитни, нажотсиз қолган, жавдираган икки қора кўзни айни тоғ бошига етганларида шафқатсиз бўрон бир дарага қулатди. Улар орқаларида юклари борлиги сабабли ўзларини ўнглай олмай 26 апрел оқшомида дунёдан кўз юмдилар. Уларга



шаҳид кетмоқ насиб этди. Энди дўстларидан сўзласак. Улар субҳи шомда уйларига етиб келишиб, ака-уканинг хонадонига хабар бердилар. Ҳаво ёққани-ёққан, гўё қасдлашгандай. Бутун маҳалла ўша тун тоғни элакдан ўтказишди. Бир кеча-кундуз ўтгандан кейин болаларни шундоққина тоғ этагида жойлашган оралиқдан топиб олишди. 27 апрел намози жума куни бир ҳовлидан икки тобут лопиллаб йўлга тушди. Оллоҳим бу кўргуликни ҳеч кимга раво кўрмасин. Табиатнинг мўъжизасини қарангки, ўша кун ҳаво ёздай иссиқ бўлиб кетди. Энди ҳалок бўлган ака-укалар ҳақида...

Уларнинг ёшларида фарқ бўлса-да, бир синфда - 8-ўрта мактабнинг 9 синфида ўқирдилар. Бугунги кунда уларнинг синфдошлари битирув кечасини ўтказиш тараддудида. Ҳар иккиси ҳам қобилиятли, зукко, ақл-фаросатли, ота-онага меҳрибон суянч, дўстга садоқатли, иродаси ва орияти кучли, инсонлар эди. Шунинг учун ҳам жанозада иштирок этган синф раҳбари ва бошқа ўқитувчилар "болам" деб йиғлашди. Бу йўқотишдан жон-жигарлари ва синфдошларининг юраклари ларзага тушди. Чиройда шоҳ Юсуфдай бўлиб ётган икки азиз дўстларини гулларга кўмиб ташлашди.

Синфдошлари ҳар йили Хотира кунида бу хонадонга йиғилишади. Уларнинг, айниқса Худойбердининг ўта иқтидорли бўлганини айтишиб афсусланишади. "Олийгоҳда ўқиб онамнинг орзусини рўёбга чиқараман", - деб ният қиларди у. Афсус, улар жаннат райҳонларига айланиб кетишди. Худо суйганини эрта оларкан, на илож. Ҳаммамиз ҳам меҳмон бу дунёда. Илоҳим, уларнинг поёнига етмаган умрини учта укасига, ота-онасига берсин. Жойлари жаннатдан бўлсин, ота-онасига сабру-бардош берсин илоҳим. Бу номани нима учун ёздим? Бу ўлим кимгадир, қайсидир ғўр ёшларга сабоқ бўлсин, ҳеч ким қай ҳолатда бўлмасин дўстини ташлаб кетмасин, деган ўйда ёздим. Болаларингизга ёшликдан қайта-қайта таъкидланг: **"Лоқайд, бемеҳр бўлма, дўстга хиёнат — Ватанга хиёнат. Хиёнатнинг эса катта-кичиги бўлмайди. Бир умр виждон азобига, она қарғишига учрамай десанг дўстингга садоқатли бўл"**. Ҳозир Оллоҳга шукр, тинчлик. Ҳатто уруш пайтида ҳам одамлар ярадор бўлган дўстни неча километрлаб елкаларида кўтариб манзилга элтганлар. Ана шу фидоийликлари билан Ватан, ота-она, дўст-биродарларига бўлган жўшқин муҳаббатларини намоён қилганлар.

Ушбу номага нуқта қўяяпману, тоғ тарафдан бир нола келгандай бўлаяпти: "Бизни ташлаб кетманг, дўстлар".

***Ажал ёқангиздан ногаҳон ушлаб,
Ҳасратингиз эшитмасди тоғу-тошлар,
Ботиб кетди ерга сизнинг азиз бошлар,
Артилмайин музлаб қолди кўзда ёшлар.
Жон бердингиз қай вақт тонгми, саҳарми?
Еганингиз равочмиди, заҳарми?
Ўн саккизда Худойберди ўтди, дедилар,
Гуллаб турган бодом ногоҳ кўчди, дедилар,
Фаришталар қўллаб бу тун руҳини,
Жаннат боғин меваларин узди дедилар.
Ўн еттида олиб Жавлон жонини,
Оқламасдан фарзанд деган номини.
Сен тутмадинг на ўрта ёш жомини,
Кимга қўйдинг азиз умр шомини?
Ҳар баҳорда каклик бўлиб келарми?
Ёки лола бўлиб тоғда унарми?
Йиллар ўтар, балки ўтар аламлар,
Майса бўлар сиз ташлаган қадамлар,
Йиғлаб-йиғлаб унутарлар бир куни,
Сиз гул бермай кўнгил берган санамлар,
Онангиздан фақат бир оҳ ўтарми?
Энди сиздай йигит қайта келарми?***

**Малоҳат РАФИҚОВА**
*Ургут тумани
"Ўзбекистон" ж/х
Ғўсс қ/қ*

# БИР ЯПРОҚ УЗИЛДИ

Азиз дўстимиз Олимжон Зокиров! Ўтганларни ҳамиша ёд этиб турмоқ биз тириклар учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

Бундан бир йил аввал бўлиб ўтган аянчли воқеа, бошингизга тушган мусибат, сиз дўстим ва бизлар учун ҳам аламли, ҳам қайғули хотира кунидир. Балким, ўша кунги воқеалар содир бўлмаганида Турсуной ҳам ҳозир ҳаёт нашидасидан баҳраманд бўлармиди?! Ўша кунги бу нохуш хабарни эшитарканман гўёки осмон ерга қулагандек туюлди. Анча пайтгача ўзимга келолмадим. Шафқатсиз ўлим шундай мўътабар инсонни, дилкаш суҳбатдошни орамиздан олиб кетганига ҳамон ишонгим келмайди.

Дўстим! Сиз ҳаётда умр йўлдош танлашда адашмадингиз. Салкам 35 йиллик турмушингизда рўзғор аталмиш оғир юкни баробар кўтардинглар. Неваралар қуршовида меҳрибон бобо, мунис буви бўлиб энди давру даврон сурадиган пайтда Оллоҳ уни ўз ҳузурига олди. Мана шу менинг юрагимда армон бўлиб қолди, азиз дўстим!

Инсон минг йил яшамаслиги ҳаммага аён. Лекин унинг хайрли ишлари умрининг давомидир. Ҳа, Турсуной оиланинг саришта бекаси, фарзандларнинг меҳрибон онаси, бир-биридан гўзал келинларга намуна бебаҳо қайнона, сиз дўстимни севимли - суюкли ёри эди. У ўзидан ҳаётда ёруғ нурли из қолдиришга улгурди. У кишини пок руҳлари ҳамиша сизни қўллаб-қувватлаб туришини Яратгандан сўрайман. Илоҳим, қабрлари нурга тўлиб, охиратлари обод бўлсин.

Ҳаёт... унинг тегирмонига тушдингми, бас! Яшашга, унинг зил-замбил чингалакларини айлантириб туришга маҳкумсан. Шундай экан дўстим, қадрдоним, ҳаётнинг бундай кутилмаган чигалларида сизга сабру қаноат, оилангизга тинчлик-омонлик, хотиржамлик тилаб, фарзанду невараларга кўп йиллар бош бўлиб юришингизни истайман. Оллоҳ сизни икки дунёда азизу мукаррам қилиб, ҳамиша ўз паноҳида асрасин!

**ГУЛЧЕҲРА**

ХОТИРА — МУҚАДДАС



# МЕҲР КЎЗДА ДЕРДИНГИЗ, ОТАМ



Ҳар гал қўлимга қалам олиб раҳматли отам Сайфиддин қори, онажоним Муборакхон хожи, синглим Мактубахонлар ҳақида ёзаркаман, дардли юрагимга Оллоҳдан мадад сўрайман. Неча йилки сизлар йўқсиз, аммо, ҳануз ёнимда сизларнинг борлигингизни ҳис қилиб яшайман.

Тонгги шабадалар насими ҳовлимизда эсаркан, ҳовлимиз тупроқларидан изларингизни излайвераман.. Укам Шамсиддин ҳам сизларни қўмсаркан, келиб маъюсгина бағримга бош қўяди. Мен эса кўз ёшларимни беркитиб уни юпатишга ҳаракат қиламан.Касбим тақозоси билан кўп яхши инсонларни учратдим. Лекин уларнинг бирортаси мени сизлардек суймайди, сизлардек тингламайди, дардларимни тингламайди. Сизлар эса жонингизни бизга қўшқўллаб тутардингиз гўё... Оҳ, отажон-а? Ўзингиз ота меҳрига зор бўлиб ўсган бўлсангиз-да, меҳрингиз дарё экан. Меҳрга зор қилмай ўстирдингиз.

Умр бўйи журналистнинг масъулиятли меҳнати-ла ҳалол ризқу-насиба топдингиз. Кунда бирор нарса харид қилмай қайтмагансиз. Албатта қўлингизда бизга болаларингиз учун бирор тансиқ нарса кўтариб келардингиз. Сизни яқинларингизу маҳалладошларингиз олижаноб ва соҳир инсон сифатида билишарди, суянишарди.

Болажонлигингизни айтинг...Бир қучоқ набиралар кўриб, уларни дуо қилиб яшашни орзу қилардингиз. Шу боис бўлса керак, тўнғич набирангиз Акмалжон туғилганида кўзингизга ёш олиб Оллоҳга ҳамду санолар ўқидингиз. Араб алифбосини ва Қуръони карим сураларини мукаммал билганингиз учун атрофдагилар сизни эъзозлаб Сайфиддин қори дейишарди. Сиз доимо меҳр кўзда эканлигини таъкидлаб, қариндошлар ҳолидан хабар олиш савоблигини айтардингиз. Менга: "Ўғлим, агар куним битиб дунёдан кўз юмсам, менинг руҳимни шод этиш учун аввало, сингилларинг ҳолидан хабар олгин. Чунки, улар сени кўрса мени кўргандек бўлади",- дер эдингиз. Бу сўзлар ҳамон қулоқларим остида жаранглайди.

Ўша мудҳиш кун 1979 йил 9 январ куни бўлган автоҳалокат Мактуба синглимни бу дунёдан олиб кетди.- Нодира ва Наргизалар эса оғир жароҳат олишса-да тирик қолишди. Гулдек фарзандингизнинг доғи иккингизнинг ҳам қаддингизни дол этиб қўйди.Бизни дардсиз, соғлом, бахтли ўсишсин, дебсизлару ҳамма дардимизни ўз қалбингизга олибсизлар.

50 ёшга тўлган кунингиз нақадар бахтли эдингиз. Барча дўстларингиз, яқинларингиз даврасида буни мамнуният билан таъкидладингиз. Ўтган умрингиздан рози эканлигингизни, фарзандларингиз энг катта бойлигингиз эканлигини тўлиб-тошиб гапиргандингиз. Бироқ...

Орадан уч кун ўтгач, ярим тунда уйғонибсиз. Уйқуда ётган биз жигарбандларингизни бир-бир кўриб чиқибсиз. Сўнг оғир хўрсиниб: "Онаси, ҳар бирида ўз аксим бор-а?" - дебсизу ўтириб шуларни битибсиз...

**Азизларим, ёшим элликка тўлди,
Ҳаётим мазмуни фарзандлар бўлди.
Соғиниб яшадим Мактуба қизим -
Менинг бор бойлигим фарзандлар бўлди.
Туғилганда мен йиғладим, кулдилар.
Мана энди жим йиғлашар оҳ, улар,
Оппоқ юзим, жонсиз юзим бўлди тан,
Аъло тўним бўлди дўстлар оқ кафан.
Ярим тунда қўланкадай тураман,
Фарзандларга тўймоқ бўлиб юраман,
Ҳар бирида ўз аксимни кураман,
Тонг отгунча манзилимда бўламан...**

...Шу тонг дунёдан кўз юмдингиз. Сиздан кейин бизга онажонимиз ҳам ота, ҳам она бўлдилар. Онажонимиз эса...Онажон, сўнгги дамларингизда укам Шамсиддинга васиятингиз шу бўлди: "Шамсиддинжон, аканг, опа-сингилларинг ҳолидан хабар олиб тургин, уларнинг кўнглига қарагин". Қабрингизда тинч ётинг, жигарларим.Биз яқинларингиз ҳамиша Сизларни ёдлаб, яхши амалларингиз ҳақида фарзандларимизга ҳикоя қиламиз. Отажон, онажоним ва синглим Мактубахон, илоё жойларингиз жаннатдан бўлсин.

**ФАЗЛИДДИН ҳожи**
**Тошкент шаҳри,
Белтепа маҳалласи**

# ГЎШТ ҲАҚИДА

**Гўшт ейиш хулқни ва юзни чиройли қилади. (Ҳадисдан)**

Киши оқсил, дармон-дориларга, микроэлементларга бой шифобахш неъматлар билан тўғри овқатланса, камқонликка чалинмайди ва дори-дармонларни қўллашга зарурат қолмайди. Айниқса, болалар илиги тўқ, бақувват бўлиб ўсади.

Инсоннинг асосий озиқ моддаси оқсиллар, ёғлар, углеводлар ҳисобланади. Микро-элементлар, дармон-дорилар, оқсиллар ва қисман ёғлар аъзои-танада қурилиш манбаидир. Оқсиллар таркибида аминокислоталар бўлади. 20 та аминокислотадан 8 таси, болалар учун 9 таси ўрни алмашмайдиган аминокислота ҳисобланади. Оқсил етишмаганда кишининг меҳнат унуми паст бўлади, ақлий фаолияти ҳам сусаяди, тананинг касалликларга қаршилиги камаяди. Гўшт, балиқ, сут маҳсулотлари (оқсил ва ёғлар манбаи), сабзавот ва мевалар овқатнинг тўйимли бўлишида катта рол ўйнайди.

Киши озиқ моддалардан бирортасини етарли истеъмол қилмаса, унинг аъзоитанаси шу моддага тўйинмайди. Шунда танада баъзи озиқ моддалар нисбати кўпайиб, киши семириб кетади ва бошқа моддалар алмашинуви бузилади.

Микро элементлар ҳаёт учун жуда зарурдир. Ҳозирги пайтда аниқлашларича, инсон танаси учун магний, темир, марганец, йод, кобальт, руҳ, стронций, молибден кабилар зарур. Овқатда йод, руҳ каби элементлар етишмаса, танада жузъий ўзгаришлар рўй беради. Мол гўшти ва балиқда руҳ кўп бўлади. Болалар ва ўсмирлар танасида руҳ етишмаса, улар бўйи ўсишдан орқада қолиши мумкин. Шу билан бирга бундай болаларда яралар узоқ вақтгача битмайди, улар юқумли касалликка мойил, уйқучан бўладилар. Одам хилма-хил овқатларни танаввул қилиб юриши керак. Гиппократ таъбири билан айтганда, овқат моддаларининг барчаси шифо воситалари бўлмоғи даркор. Ана шулардан бири гўштлардир.

Гўштнинг номи форсчадан келиб чиққан. Арабча номи "лаҳм". Гўшт қимматли озиқдир. Буюк аллома Абу Али ибн Сино шундай битиклаган эди: **"Гўшт танани мустаҳкамлайдиган таом бўлиб, у бошқа овқатларга нисбатан қонни тезроқ кўпайтиради. Улоқ, бузоқ ва ёш ҳайвонларнинг гўшти ҳазм учун энг яхши бўлиб, гизоси жуда латифдир. Энг яхши ва сингувчи гўшт чуқур жойлашиб, суякка яқин турган гўштдир. Унг томоннинг гўшти чап томонникидан енгилроқ ва яхшироқ бўлиб, мушакларнинг ўрта қисми ҳаммасидан ҳам нуқсонсизроқдир".**

Гўшт асосан оқсиллардан таркиб топган. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, гўшт оқсили таркибида ўрни алмашмайдиган аминокислоталар борлигидан ҳам қимматлидир. Таркибида дармон-дори В гуруҳи, минерал моддалар-темир, руҳ, фосфор ва калий бор. Энг яхши гўшт — қўй гўштидир. Қора қўй гўштининг ҳазми енгилроқ ва лаззатли бўлади. Семиз, соғлом ҳайвон гўшти ҳам яхши ҳисобланади. Новвоснинг гўшти ҳам шундай.

Гўшт танага қувват беради, тезроқ қонга ўтади. Аммо **мол гўшти** меъёридан ортиқ истеъмол қилинса, терида доғ пайдо бўлади. У қўтир ва темираткини пайдо қилади, веналарни кенгайтиради. Гўштни меъёрида, кунига бир маҳал ейилса бўлади. Чунки гўштда ёт (экстрактив) моддалар кўп. Бу моддалар таркибида пурин бўлиб, киши танасида сийдик кислотага айланади. Пировардида натрийли сийдик кислота кристаллари бўғимларда йиғилиб, подагра касаллигини келтириб чиқаради. Айниқса, азот кексаларга, гастрити, меъда яраси бор кишиларга зарарли таъсир қилади. Сабаби, бу моддалар меъда ширасининг ажралиб чиқишини кучайтиради. Гўштни тухум ва сутга қўшиб ейиш зарарли. Бироқ бир-бирининг ўрнини босувчи омил сифатида қўлланса бўлаверади.

Гўштни яхшиси тушликда ейиш маъқул. Эрталаб ва кечқурун балиқ гўшти, творог ейилса, сут ичилса аъзои-тананинг оқсилга бўлган эҳтиёжи тўла қондирилади. Гўшт аслида ғизо бўлса-да, унинг суви юрак заифлигида дори сифатида ишлатилади. Агар гўшт яхши бўлса, яъни икки ёшлик қўй гўшти, қўзи гўшти, парранда гўштлари бўлса, уларнинг суви юрак заифлигида яхши наф келтиради. Кези келганда шуни қайд этиш керакки, гўшт суви дейилганда кўпчилик ичида гўшт пиширилган сувни тушунади. Ҳаттоки табиблар ҳам. Ҳолбуки, бундай эмас, балки гўшт суви - қийма қилинган гўштни пиширилганда чиқадиган селдир. Бу гўштни хил-хил бўлиб титилгунча яхшилаб қовуриб пиширилади ва оқиб чиққан селини сузиб ичилади.

**Қуён гўшти**нинг қовурилгани ўпка касаллигида наф беради. Биз энди балиқ, товуқ ва хўроз гўшти борасида фикр юритамиз. Зеро, булар кундалик турмушда-рўзғорда озиқа сифатида тез-тез қўлланилади.

Бошқа гўштларга нисбатан **балиқ гўшти**да турли хил озиқ моддалар кўпроқ бўлади. Таркибида оқсил, ёғ, фосфор, темир, калийдан ташқари йод, фтор дармон-дорилардан - В, Д, А бор. Балиқ гўшти енгил ҳазм бўладиган оқсил манбаи. Бошқа гўштга нисбатан балиқ гўштида бириктирувчи тўқима оз бўлади. Балиқ гўштини ҳамма-ёшу қари истеъмол қилса бўлаверади. Меъда ёки жигар касаллиги бор кишилар балиқни қайнатиб еганлари маъқул. Уйда балиқни тузлаб, дудлаб бўлмайди, чунки унинг ичагига ботулизм қўзғатувчиси тушиб қолган бўлиши, бу кишини оғир дардга дучор қилиши мумкин.

**Товуқ ва хўроз гўшти.** Товуқ ёки хўрозни сўйишдан олдин 18-24 соат мобайнида унга дон берилмайди. Гоҳо озгина намакоб бериш мумкин. Бу пайтда уларни қоронғу жойда сақлаш керак. Мабодо товуқ гўштини тезроқ ишлатиш зарур бўлса, у камида 8 соат оч қўйилади. Товуқ ёки хўроз боши кесилгач уни пастга қаратиб осиб қўйиш керак. Сўнг ювиб, тозалаб қайнатиб пиширилади.

Хўроз шўрваси қалтироқ ва бўғим оғриқларига, астма, иситма каби хасталикларга шифо бўлади. Ёш товуқ гўшти ақлни пешлайди. Товуқ гўшти овозни тиниқлаштиради. Жўжа гўшти шўрваси меъда иллатланганини босади. Жўжа гўшти шўрваси камқувват болаларга фойдали. Бу қуйидагича тайёрланади: ичи яхшилаб тозаланган ёш жўжа гўштини тўрвлигича ўтга тутиб, у ер-бу ерида қолган патлар куйдирилади. Ичи ва сирти совуқ сувда обдон ювилади. Қозонга совуқ сув қуйиб, жўжа гўшти солинади ва ўтга қўйилади. Бир қайнаб чиққиши билан юзидан кўпиги олиниб, янги чиққан майдароқ сабзи, бош пиёз солинади ва қайнатиш давом эттирилади. Жўжа гўшти шўрвасига озроқ гуруч солиш ҳам мумкин. XVIII асрда яшаб, ижод ва табиблик қилган Саййид Муҳаммад Ҳасрат товуқ ва хўроз борасида шундай сермазмун ғазал битиклаган:

***Хўроз ё товуқнинг қай хилидир соз?***
***Галеннинг сўзидан эшитгин бироз.***
***Ҳали ҳеч туғмаган товуқ кўп создир,***
***Яна сози қичқирмаган хўроздир.***
***Қари хўроз гўштин шўрва қилган чоқ,***
***Бўғим оғриқ билан кетар қалтироқ.***
***Қорин санчиғи-ю, меъдага нафдир,***
***Барча иллат ундан сарсону дафдир.***
***Товуқ гўшти бўлар ақл учун соз,***
***Ундан хуш бўлади кишида овоз.***
***Бурундан тўхтамай келса агар қон,***
***Тўхтатар, миясин ейилган замон.***
***Ҳар ким ёш товуқнинг шўрвасин ичар,***
***Ундан меъда дарди бир умр кетар.***

**М. МИРЗАШАРИПОВ**
**доришунос**

Табобатнома

## ОВҚАТ ҲИДИ ҲАМ СЕМИРТИРАДИ

Будапешт университети олимларининг аниқлашларича, семиз кишилар иложи борича ошхонадан нарироқда бўлишлари керак экан. Сабаби ёғлик, лаззатли овқатлардан таралаётган буғ ва ҳидлардан ҳам инсон организми озиқланиб, модда алмашинуви жуда яхши кечаркан. Натижада, инсон танасида овқатлангандай тўйиниш ҳолати юз беракан.

## КЎКАТЛАР ФОЙДАСИ

Эрта баҳорда кўкатлардан тайёрланадиган салатлар, то кузгача дастурхонимиздан жой олади. Гарчи қуввати ҳеч қандай озиқ-овқатнинг ўрнини боса олмаса-да, витаминларга бойлиги билан айниқса, таркибида С витамининг кўплиги сабабли овқатларга қўшиб истеъмол қилиш тавсия этиладиган хушхўр кўкат сифатида ҳам мазали ҳисобланади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, кўкатлар асаб тўқималари фаолиятини яхшилаб, уйқусизликнинг олдини олишда ҳам яхши даво ҳисобланар экан.

## ПИЁЗ ПЎСТИ — ДАВО

Ёз кунлари кўпчиликнинг оёқ товонларида ёрилиш пайдо бўлади. Уни тез ва осон даволаш учун қуйидаги муолажадан фойдалансангиз бўлади. Озроқ пиёз чиқиндиларини қайнатиб, устига майдаланган зуптрумнинг (газак ўтининг) баргларини аралаштирасиз ва аралашмага бир чой қошиқ ўсимлик мойи, бир чой қошиқ асал, ҳамда хамир бўлиши учун озроқ ун солиб аралаштирасиз. Тайёр бўлган малҳамдан товонингизга яраша кулча ясаб, ёрилган жойига қўйиб яхшилаб ўраб қўясиз. Бу муолажани ётишдан олдин қилсангиз янада фойдали бўлади. Бир неча кундан сўнг ёрилган товонингиз тузалади.

**А.НАРЗИҚУЛОВА**
**тайёрлади**

# САРАТОННИНГ ФАЗИЛАТИ ВА ХОСИЯТИ

Онажоним табиат!

***22 июндан бошлаб Саратон ойи ҳам бошланди. Бу кун ер шарида энг узун кун ҳисобланади. Ундан сўнг кунлар то 22 декабргача маълум дақиқалардан қисқариб боради. Ана шу Саратон ойининг ҳам қадимдан маълум бўлган ўзига хос хусусиятлари, иқлими шарт-шароити бор. Улар нималардан иборат эканлигини ва бу ойда нималарга эътибор бериб, нималар қилиш кераклигини кўпчилик билмаса керак. Айниқса деҳқончилик, табобат соҳасида қилинадиган ишлар кўпчиликни қизиқтириши мумкин.***

***Бутун умрини журналистика соҳасига бағишлаган ва деҳқончилик йўналиши бўйича жуда кўп мақола, очерклар муаллифи, Аҳмад Нарзиқулов ўзининг "Деҳқон тақвими" номли китобида шундай дейди:***

- Саратон ойини ёз чилласи ҳам дейдилар. Негаким, чилла 22 декабрдан 21 январгача давом этиб, ўзининг аччиқ аёзи билан замину сувни, бутун табиатни музлатади, ернинг тупроқ унумдорлигини оширади. Саратон эса бунинг акси-ёлқинли нафаси, ўтли ҳарорати билан табиатдаги ҳамма нарсани қиёмига етказади. Қуёш олам шимолий ярим шарининг энг юқори нуқтасига кўтарилади. Энг қисқа тун ва энг узун кун ҳолати содир бўлади. Саратон доҳил бўлгандан 4-5 кун ўтгач, Қуёш жанубга томон оғ бориб, тунлар узаяди ва кунлар қисқара бошлайди.

Саратон иссиғининг йўриғи бошқача, таъсирчанлиги ва кескинлиги билан ажралиб туради. Эътибор беринг: бу ой дохил бўлиши билан саратон қунғизлари визиллаб, фиғони фалакка чиқади, ўша оқшом "дорой" нав эртапишар узум хол ташлаб ола бўлади, чўл, яйлов ва ҳатто бепоён пахтазорларда гармсел эсади, сахрода гирдибод (туваpай) миноралари кўпаяди, баъзан эрталаб ва кечкурунлари сароб кўринади, дарёларда сув тошқини бошланади. Ой давомида экинлар, гиёҳлар, хусусан ғўза учун зарур малҳам ҳисобланган "иссиқ сув" оқади. Бу сувдан ичмай қолган кузги экинлар тўлиқ пишмай бир қадар баракасиз, таъмсиз бўлади.

Саратон офтоби жамики экинни, хусусан ғўзани қулф урдиради, танасига сингган фойдали ҳарорат ҳосил тақдирини ҳал этади, салмоқдор қилади, узум, мева, қовун-тарвуз ширинлиги ошиб, шарбатга айланади. Баҳорда ўтказилган дарахт, ток кўчатларининг тақдири, яъни тўлиқ амалга кириши шу ойда ҳал бўлади.

Халқ орасида тез-тез, қайта-қайта такрорланиб турадиган ўгитлар борки, уларга таянган деҳқон ҳам, чорвадор ҳам ҳеч қачон ютқазмайди, панд емайди:

- Яхши келса саратон, писанд эмас қаҳратон (қиш).

- Саратон имкониятларини қўлдан бой берган деҳқон тўрт одам тўпланган жойда катта гапира олмайди.

- Саратон иссиқ деб ётма, қўлингдаги нақдингни йўқотма!

- Саратонда ғўза қаричдан ошса, кузда хирмон тошади.

- Саратонда ток сугорса соҳибкор, узуми олдида асал ҳам бекор.

- Саратонда экиндан ҳол сўр, кузга бориб, баракали хирмонни кўр.

Қишлоқ халқининг, хусусан, кексаларнинг бундай гаплари, иборалари кўп. Саратон иссиғининг инсон организмига, унинг саломатлиги ва кундалик ҳаётига таъсири ҳақида ҳам фикрлар кўп. Чунончи, саратон офтобида чиниққан одам, қиш совуқларига чидамли бўлади, қайси фасл, қайси ойда бўлишидан қатъий назар, синган суяклар саратонда қайнаб битиб, асл ҳолига келади, баъзи касалликлар асоратига, таъсири шу ойда инсон организмидан чиқиб кетади, шифобахш шўр лой, қум ва иссиқ сувларнинг таъсир кучи ошади, доривор ўсимликлар пишади. Равишини билиб, тупроқда оёқяланг юриш, оқар лойқа сувда чўмилиш, Қуёш нурида тобланишнинг саломатлик учун ниҳоят фойдали эканлиги эса қадимдан маълум. Бундай пайтларда офтоб уриши ва терини куйдиришдан зинҳор эҳтиёт бўлиш, шунингдек, атрофмуҳитни, турар-жой, сув манбаларини доим тоза-озода тутиш зарур эканлигини унутмаслик лозим.

Саратон табиатига кўра, асосан, иссиқ ва қуруқ ой ҳисобланади. Бу ойда ҳароратнинг 40-45 даража ва ҳатто ундан ҳам ошиб кетиши кутилади.

Саратон кунларининг қандай келишини оддийгина белгиларга қараб ўзингиз ҳам олдиндан билиб олишингиз мумкин. Масалан:

- Тонг. Шарқ осмони эндигина оқара бошлаши билан чумчуқ чирқиллай бошлайди. Улар қанчалик баланд чуғурлашса, ўша куни ҳаво шу қадар иссиқ бўлади.

Oila va jamiyat
№ 27 (610) 3 — 9 июл 2003 йил
Оила ва жамият


# ДАЗМОЛДАН ҲАМ АҚЛ БИЛАН ФОЙДАЛАНИШ КЕРАК

❒ Ҳар қандай кийимни тезда ва яхшилаб дазмоллаш учун биринчи навбатда уни қандай матодан тикилганлигига эътибор беринг. Сўнгра қуйидаги маслаҳатларимизга амал қилган ҳолда дазмоллашни бошланг.

❒ Шимдаги чизиқ узоқ вақтгача яхши сақланиши учун, сиркали сувга ботириб сиқилган юпқа мато ёки дока орқали то қуригунча иссиқ дазмолни босинг. Сўнгра докани олиб, қоғоз орқали дазмолланг. Яна бир йўли шимни дазмоллашдан олдин астар томонидан чизиғига қуруқ совунни суркаб дазмолласангиз чизиғи яхши сақланади.

❒ Агар дазмоллаётган кийимингизга гул тикилган бўлса, гул тикилган жойини астар томонидан дазмоллаб, қолганини ўнгидан дазмолланг. Агар дазмоллашда юмшоқ мато устида кийимингиз гулини дазмолласангиз, гуллари чиройлик бўртиб туради.

❒ Бахмалдан ёки пахмоқ матодан бўлган кийимларни астаридан дазмолланг. Тукларини дазмоллаб бўлгандан сўнг, юмшоқ шётка билан тарасангиз янгидагидек бўлади.

❒ Жун матодан тикилган кийимларни астар томонидан, нам дока орқали дазмоллаш керак. Иссиқлик ҳарорати 165-190°С бўлиши керак.

❒ Ип газлама ва каноп ипидан бўлган кийимларни олдин яхшилаб намлаб, кейин дазмолласангиз сифатли дазмолланади. Ип газламаларни 190-210°С да, каноптдан бўлганларини 210-230°С иссиқликда дазмоллаш тавсия этилади.

❒ Висозадан бўлган кийимларни фақат қуруқ пайтида 115-140°С, ацетатдан бўлганлари 120°С иссиқликда дазмоллаш тавсия этилади.

❒ Табиий ипакдан бўлган кийимларни сал намлаб, астар томонидан, ялтироқларини ўнгидан 140-165°С иссиқликда дазмолласангиз бўлади.

❒ Агар ипакдан бўлган нарса яхшилаб қуриган бўлса, сув билан намламасдан буғ устида тутиб туриб, кейин дазмолланг.

❒ Ипакдан бўлган кийимингиз буришиб қолган бўлса, астар томонида 2-3% сиркали сув билан намлаб кейин дазмолланг.

**Анора НАРЗИҚУЛОВА**
**тайёрлади**

## ЖАВОНДАГИ БУЮМЛАР ҒИЖИМЛАНМАСИН ДЕСАНГИЗ...

Жавондаги буюмлар, кийим-кечаклар ғижимланмай, бунинг устига хушбўй ифор таратиб туришини ким истамайди дейсиз? Енгил, юмшоқ ёстиқчалар, ёқалар тикиб, хушбўй ўтлар билан ичини тўлдириб қўйилса, бундан осони борми?

Оддий ёғоч вешалкага сунъий пахта ёки юпқа паралон ўраб, сўнг устидан қандай бўлмасин матодан сиртма кийгизиб қўйсак, юмшоқ кийим илгич тайёр бўлади. Буни тайёрлаш учун қуйидагилар керак бўлади:

❒ оддий ёғоч илгич;

❒ паралон ёки сунъий пахта;

❒ мато;

❒ ип, игна, қайчи.

Ёғоч илгичнинг бир томонида иккинчи томонига танлаган матоингизни ўраб боринг (10х90см). Ўрамнинг охирги томонига эътиборни қаратинг. Ўралган буюмингиз чиройли чиқиши учун қаттиқ ип ёки боғич билан яхшилаб айлантириб чиқсангиз бўлади. Энди катта-кичик ёстиқчалар ичига хушбўй қуруқ ўтлар билан тўлдириб, кийим илгичнинг бир-икки жойига боғичлар ёрдамида жойлаштиринг, ёстиқчаларнинг ортиқчаси бўлса, устки кийим чўнтакларига, чойшаб ва жилдлар орасига қўйиб чиқсангиз бўлади.






## ОЙНА ВА ДЕРАЗАЛАРНИ ЮВИБ ТУРИНГ

Аввалига икки ош қошиқ бўр аралаштирилган бир литр сув тайёрланг. Дераза ромларини совунли сувда ювиб чиққач, тайёрлаб қўйилган бўрли сув билан ойна кирларини йиғиб чиқинг. Сўнг тоза, қуруқ латта билан ойнани артинг.

◆ Ҳаддан ташқари ифлосланган ойнани озгина спирт қўшилган сувда ювинг, хира жойларини сирка билан ҳўллаб, кейин тоза сув билан ювиб ташланг. Агар деразангиз ялтиллаб туришини хоҳласангиз, эски колготкани шўр сувда ҳўллаб ювинг.

◆ Дераза ойналарини вақти-вақти билан зиғир ёғида ҳўлланган жун газлама билан ювиб, сўнг жун ёки пахта толали мато билан қуруқ ҳолда артиб турсангиз кўнглингиздагидек тоза бўлади. Жуда кирланган ойна крахмал эритмаси (1 литр совуқ сувга 1 ош қошиқ крахмал), оҳак эритмаси (1 литр сувга 50 гр. оҳак) ёки сирка қўшилган илиқ сувда ювилса, тезда тоза бўлади. Тиш ювадиган кукун ҳам яхши воситадир.

◆ Дераза ойналарига пашша ўтирмасин десангиз, уларга сирка суртиб чиқинг. Қишда ойналар терлаб кетмаслиги учун тозаланган глицерин ва спирт яхши ёрдам беради (глицериннинг 1 қисмига 20 қисм спирт тўғри келади).

◆ 2 қошиқ ош тузи эритилган сув билан дераза музларини артиб, эритиб юборсангиз бўлади.

◆ Дераза пардаларини ушлаб турган темир қисқичлар остига албатта қалинлиги 2-4 мм.ли паралон бўлакчалари қўйиб чиқинг. Булар дарпардалар йиртилиб кетишини олдини олади. Пардалар бир текисда буралиб туриши учун илгакларни бир хил оралиқда ипга, ингичка тизимгача боғлаб чиқинг. Биринчи турган илгич ипини тортсангиз, парда бир хилда терилиб туради.

◆ Кўзгуни ювиш учун бир ош қошиқда сирка, 20 гр. бўр ёки тиш ювиш кукуни солинган 1 литрли аралашма яхши ёрдам беради. Ҳаммасини аралаштириб, қайнатинг. Аралашма тиндирилгач, уни бутилкага қуйинг.

◆ Пашшалар қўниб, доғ ҳосил бўлган кўзгуни иккига бўлинган пиёз билан артинг-да, кетидан синькали сувда намланган латта билан артиб юборинг. Кўзгу қуруқ латта билан яна бир бор артиб юборилса, ялтираб кетади.

**Жамила АСАДОВА тайёрлади**

# ШОИСТА БЕКАЛАРГА

ⵙ Жун рўмолни 30-40 даражали иссиқ сувда (иложи бўлса ёмғир сувида) ювиш керак. Рўмолни эҳтиёткорлик билан чайинг. Сўнг унинг ҳажмига мос тахтага сурп ёзиб, рўмолни унга ниналар ёки мих ёрдамида мустаҳкамлаб киритинг.

ⵙ Мураббо пиширишда сирланган, зангламайдиган пўлатдан ясалган идишлар ва мис қозонлардан фойдаланинг. Мураббо учун мис идиш ишлатаётганингизда унда занглаган доғ бўлмаслигига эътибор беринг.

ⵙ Атир танлаётганда ҳеч қачон шишанинг ўзидан ҳидламанг. Яхшиси кафтингизнинг орқа томонига атирни суриб, 1-2 дақиқадан сўнг кафтингизни ҳидланг.

ⵙ Ёзнинг жазирама кунларида упа-эликларингизни совуқхонада сақлаганингиз маъқул. Шунда уларнинг сифати бузилмайди.

ⵙ Нўхат 1-1,5 соат давомида пиширилади. Уни совуқ сувга солиб қопқоғини ёпиб паст оловда пиширинг. Нўхат пишаётган вақтда қозонга совуқ сув солманг, таъми бузилади.

ⵙ Ҳар гал пичоқни ишлатиб бўлгач, ювиб артиб қўйинг. Шунда кўп дардларнинг олдини олган бўласиз.

# ГУЛЛАР ПАРВАРИШИ



❀ Хонадаги гулларнинг жойини тез-тез ўзгартириш тавсия этилмайди. Чунки гулнинг барглари ёруғликка қараб ўсади. Гул тувагини ўзгартириш пайтида улар яна ёруғликка интилиши мобайнида ўсиш жараёнига қаттиқ таъсир қилиб, гуллар яхши ривожланмайди.

❀ Агар гул тувагидаги тупроқ тезда қуриб ёрилиб кетса, унга ёғоч қипиғи, дарё ва ариқ қумларидан аралаштиринг.

❀ Гул тувагига керагидан ортиқ сув қуйманг. Икки-уч соат давомида сувни шимиб олмаса гул тувагидаги сувни тўкиб ташланг, акс ҳолда ёш томирларни чиритиб юборади.

❀ Фикус гулининг барглари ялтираб, жозибали бўлиб турсин десангиз, унинг томирига бир қошиқ канакунжут мойи қуйинг. Бундай ёғ дорихоналарда бўлади.

❀ Хона гулларини елвизак жойда ва тамаки тутуни бурқсийдиган уйда яхши ўсмаслигини унутманг.

❀ Гуллар яхши нафас олсин десангиз, баргларининг чангини тез-тез артиб туринг.

✿ Хона гулларини меъёридан ортиқча суғориш қурғоқчиликдан кўра хавфлидир. Уларга эҳтиёждан ташқари сув қуйманг.

✿ Янчилган ва қанд упаси қўшилган тухум пўчоғи хонаки гуллар учун энг зарур озуқа ҳисобланади.

✿ Сўлиган лолаларни "тирилтириш" мумкин, бу учун уларни ёниб турган лампочка тагига бир муддат қўйиб олиш кифоя.

✿ Битта гулдонга хилма-хил гулларни солиб қўйиш яхши эмас. Қалампиргул ва марваридгул бошқа гулларнинг сўлишини тезлаштиради. Атиргул, чиннигул ва нилуфарни алоҳида тутсангиз, узоқ вақтгача ўз тетиклигини сақлайди.

✿ Радиоприёмник устига атиргул ва чиннигулни қўйиш ярамайди. Улар ҳатто сезилар-сезилмас овоз тўлқинларига ҳам таъсирчан бўлиб, тез сўлиб қоладилар.

✿ Гулдон сувига дезинфекцияловчи ва озиқ бўладиган моддалар (писта кўмир бўлакчаси, аспирин) солишни унутманг. Хризантема солинган гулдонга бироз туз, картошкагул сувига эса бир неча томчи сирка қўшинг.

✿ Саллагулни қайта ўтқазаётганингизда синдирилган илдизларни ташлаб юборманг. Уларда уйғонмаган куртаклар бўлиши мумкин. Уларни ерга ўтказсангиз, келгуси йил нишона беради.

✿ Ғунчалар тезроқ очилиши учун гулдон сувига новшадил спирти (1 л. сувга 1,2 чой қошиғи) аралаштириб солинг.

✿ Гулдонни гул билан очиқ ойна олдига ёки елвизак жойга қўйиш мумкин эмас. Шунингдек, уларни қуёш нуридан ҳам эҳтиёт қилиш лозим.

✿ Хризантема гулини кесиш эмас, синдирмоқ даркор.

✿ Соясевар гулларни унча баланд бўлмаган жавонлар устига қўйиш лозим.

✿ Гулдонга ёмғир ва қор суви ёки тиндирилган сув (қишда хона ҳароратида, ёзда совуқ сув) қўйган маъқул.

✿ Тунда гулларнинг бўғзи қадар сув қуйиб, салқин жойда сақлаш мақсадга мувофиқ.

**Нигора ЗАРИПОВА,**
**Дилфуза АЛИМХОДЖАЕВА**
**тайёрлади**

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04).** - Ҳафта сокин, аммо, сермаҳсул бўлади. Кўпдан бери кўришмаган дўстларингиз билан дийдорлашасиз. Молиявий аҳволингиз ўнгланиб, катта маблағга эга бўлишингиз мумкин.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Кутилмаган муаммолар келиб чиқади. Ҳаммаси жиззакилигингиз оқибати. Сиз сал босиқроқ, мулоҳазалироқ бўлишингиз керак.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** - Севгининг сеҳрли лаҳзалари ҳафта давомида сизни тарк этмайди. Сиз излаган бахт қуши шу ҳафта бошингизга қўниши эҳтимоли бор.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07).**- Олисдан бахт излаб, нақдидан кеча кўрманг. Оилангизда сиз туфайли келишмовчилик чиқади. Ўйлаб иш тутинг. Акс ҳолда қаттиқ панд еийишингиз мумкин.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).** - Табиат бағрига отланинг. Баъзан табиат қўйнида дам олиш шифокорларнинг ҳар қандай давосидан ҳам фойдали эканлигини унутманг.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Вақт кутиб турмайди. Сиз шу ҳафта давомида кўп ишларни тугатишингиз керак. Бу эса сизга обрў ва даромад келтиради. Жума энг баракали кун.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Иложи бўлса ҳар қандай сафарни кейинга қолдирганингиз маъқул. Бу ҳафта эса рўзғор ва кундалик ишларингиз билан банд бўлишни маслаҳат берамиз.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** - Соғлиғингизга жуда беэътиборсиз. Ўзингиз ҳақингизда ўйланг. Акс ҳолда кейинчалик қаттиқ афсусланасиз. Бу ишлар учун дам олиш кунлари қулай.

**ЎҚОТАР (23.11 — 21.12.).** - Молия ишлари учун омадли ҳафта. Айниқса, пайшанба куни ҳамкорларингиз билан мўмай даромадни қўлга киритасизлар.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01).** - Ҳафтанинг сешанба куни лавозимингиз ошади. Сизга билдирилган ишончни оқлашга ҳаракат қилинг. Душанба сиз учун оғир аммо,омадли кун.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).** - Ушбу ҳафта ишлар билан тиғиз кечади. Сиз эса ҳаммасига улгуришингиз керак. Бунинг учун ҳозирча дам олишдан ҳам кечишингизга тўғри келади.

**БАЛИҚ (19.02 — 20.03).** - Турли хушхабарларга бой, сердаромад ва кўнгилли ҳафтада сизни фақат омад кутмоқда. Аммо, чоршанба куни ҳар қандай учрашувлардан воз кечганингиз маъқул.

# ҚАДАМ ТАШЛАШИНГИЗ СИЗ ҲАҚДА СЎЗЛАЙДИ



**Инсоннинг қандай қадам ташлаши, нафақат унинг феъл-атворидан, балки аҳлоқи, ҳаттоки келажакда у билан турмуш қуриладиган оилавий муносабатлар қандай қурилишидан ҳам дарак бераркан. Бундай қараш ҳақиқат эканлигини 20 ёшдан 50 ёшгача бўлган эркакларни тест синовидан ўтказган француз олимлари ҳам тасдиқлашди.**

■ **Худди рақс тушаётгандек қадам ташлаб юрувчи одам.** Бундайлар жиддийликдан йироқ, хотирпаришон, ваъдабоз, сўзлари устидан ҳеч қачон чиқмайдилар. Гулдан-гулга қўниб, учиб юрувчи капалаклар сингари айнан ана шу "рақкос"лар орасида субутсиз ошиқлар кўп учрайди. Уларнинг севгиси тез ёниб, тез ўчади, яқиндагина қалбларини ёндирган ул санамни ҳам осонгина унутиб, ҳеч нарса бўлмагандай янги ишқий саргузаштлар сари ошиқадилар. "Рақкос"лар шу тахлит узоқ пайт оила қурмай юриб, анча ёшга боргандан кейингина турмушнинг оғир юкини елкага олишлари мумкин.

■ **Оёғи учида оҳиста, журъатсиз қадам ташловчи одам.** Бундай одамлар ўзларига ўзгалар эътибор бериб қарашини хоҳлашмайди. Бошқалардан кўра уларнинг уй-ташвишлари, муаммолари ниҳоятда кўпдек кўрингани билан, аслида бадфеъл, ўзгалар билан келишимсиз кишилардир. Улар жинсий жиҳатдан тўкис бўлишлари мумкин. Аммо фақат айримларигина "оилапарвар" деган сифатга жавоб беришлари мумкин.

■ **Тасир-тусир оёқ босиб юрувчи одам.** Бундайлар ўзини-ўзи идора қила олмайдиган, лутфу такаллуфдан йироқ кимсалардир. Бир қарашда улар ўзига ишонадиган, мардонавор одамдай кўринишлари мумкин. Лекин аслида эса бу қиёфа турли салбий қилиқларини яширувчи бир ниқоб вазифасини ўтайди. "Тасир-тусир" қадамли одамлар севги муносабатларига тез киришадилар ва шу қадар тез совиб, дарҳол яна янгидан-янги ҳиссиётларга бериладилар. Аммо тақдир йўлида бундайлар феълини тушуниб етишга қодир, иродали, руҳан кучли аёл учраса унинг таъсири остида эҳтимол ўзгаришлари ва келажакда яхши эр, яхши ота бўлишлари мумкин.

■ **Қадам қўйиши оғир, у ёндан бу ёнга оғиб, қўллари ҳам шунга мос равишда ҳаракатсиз осилиб юрувчи одам.** Бундайлар ироdasiz, қайси ёшда эканлигидан қатъий назар ҳаётдан безган кишилардир. Улар эр - хотинлик муносабатларида ҳам ниҳоятда зерикарли ва лоқайддирлар.

■ **Тез, шижоатли қадам соҳиблари.** Улар ҳаётдаги ҳар қандай муаммони ҳам қадамларига мос равишда тез ва шижоат билан ҳал эта оладилар. Улар ҳамма жойга улгуришга интилувчи омадли тадбиркордирлар. Улар меҳнат қилишни ҳам, шунингдек дам олишни ҳам қойиллатадилар. Аммо жинсий ҳаётда ҳам жўшқин ва шошқин бўлганлари билан, кўпроқ ўз ҳузур-ҳаловатларинигина кўзлайдилар. Улар оилапарвар ва фарзандлар учун жонкуяр отадирлар.

■ **Оҳиста қадам ташловчи "Турна" каби одамлар.** Бундайлар одатда лоқайд, совуқ, тўнг, ўзгалардан, шунингдек бутун дунёдан норози кимсалардир. Улар ҳатто лаззатбахш севги дамларида ҳам нарх-навонинг ҳаддан ташқари ошиб кетаётгани ҳақида минғирлаб нолиб қўйдилар. "Турна" қадамли одамлар билан қурилган оилавий турмуш шодон лаҳзалардан холи, зерикарлидир.

■ **Титроқ қадам эгалари.** Бундай қадам оёқлари чарчаб оғрийдиган кексаларгагина хос эмас. Титроқ қадам ўрта мансабдаги, соатлаб мажлисларда ўтиришга ўрганган, бошлиқлар ўзгариб вазият ҳам шунга мос равишда чаппага оғиб кетишидан ва ўз ҳаёти ҳам бошқача тус олишидан доимий равишда хавфсираб, қўрқиб яшовчи кимсаларга хосдир. "Титроқ" қадам шунингдек камбағал турмуш тарзига ўрганиб, қўникиб қолган ва бу ҳолатдан чиқиб кетишга кучсиз эканлигини ўзи ҳам тан берган одамларга ҳам тегишлидир. "Ўрта миёна мансабдор"лар ҳам, "камбағал"лар ҳам ошиқ сифатида рисоладагидек эмаслар. Улар гарчанд дағал эркакча овозга эга бўлсалар-да, аёлларга алоҳида қувонч лаҳзаларини бахш этишга қодир эмаслар.

■ **Ўйлаб, гўёки ўлчаб қадам қўювчи одамлар.** Бундай қадам эгалари вазмин, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини бошқара билувчи, енгил қилиқлардан йироқ кимсалардир. Уларнинг пишиқ-пухталиги ва ўз турмуш тутумларида собитлигига баъзида чидаш қийин. Аммо шунга қарамай, оилавий ҳаётда улар ҳақиқий ва ишончли кишилардир.

■ **Қадам ташлаётганда қўллари ҳам ҳаракат қилувчи одамлар.** Бундайлар ҳаётда ҳам, мақсади йўлида ҳам доимий ҳаракатдан тўхтамовчи, соф туйғули кишилардир. Қадамлари енгил ва уйғун бўлса, демак рисоладагидек эркак ва ошиқни, сиз учун қайғурувчи эр, фарзандларингизни севувчи отани топа олгансиз. Буни оилавий лотореяда қўлга киритилган ютуқ деб ҳам аташ мумкин. Бундай одамни сира қўлдан чиқарманг.

**М. КАРИМОВА**

# ЎЗИНГИЗНИ БОШҚАРА ОЛАСИЗМИ?

***Инсон ҳамиша ўзини осойишта ва сипо тутишга ҳаракат қилади. Лекин, баъзида ҳар қандай асаб ҳам чидай олмайдиган ҳолатлар юз бериши мумкин. Қуйидаги тест ёрдамида ўзингизни қай даражада бошқара олишингизни аниқлайсиз.***



**1. Дўстларингиз ёки яқинларингиз билан телевизорда жуда қизиқарли детектив фильм кўраяпсиз. Шунда сиз ўзингизни қандай тутасиз?**

**а)** Диққат билан овоз чиқармай берилиб фильмни томоша қиламан. Фильм қаҳрамонларини кузатаман.

**б)** Кўраётганларим ҳақида гапириб, ёнимдагиларга тушунтириб тураман.

**с)** Ҳаяжонланиб ўзимни қўярга жой тополмай қоламан.

**2. Кимнидир муҳим масала юзасидан келишилган жойда кутаяпсиз. У эса кечикаяпти. Шунда сиз...**

**а)** Тоқат қилолмай, тутақиб кетаман.

**б)** Бўлажак суҳбат ҳақида яна бир марта ўйлаб оламан.

**с)** Журнал ва газета олиб ўқиб ўтираман.

**3. Идиш-товоқларни ювиб турганингизда тасодифан биттасини тушириб юбордингиз ва у синди. Шунда сиз...**

**а)** Буни яхшилик аломатига йўяман.

**б)** Ўзимнинг уқувсизлигимдан хафа бўламан.

**с)** Асабим бузилиб, кайфиятим албатта ёмонлашади.

**4. Қайси спорт машғулоти билан шуғуллансангиз чарчоғингиз ёзилиб, руҳиятингиз енгиллашади?**

**а)** Йога

**б)** Кураш

**с)** Аэробика

**5. Дўстингиз билан дам олиш учун бирор-бир кафега кирдингиз. Шунда дўстингиз ўз дардини тўкиб солади ва сиз...**

**а)** Мен уни иложи борича юпатишга ҳаракат қиламан.

**б)** Уни иложи борича ёмон кайфиятини унутишга чорлайман.

**с)** Ҳамманинг бизни томоша қилишини истамайман ва уни олиб бу ердан тезда чиқиб кетаман.

**6. Сиз севган кишингиз билан уришиб қолдингиз ва у жаҳл билан сизга бақира бошлади. Шунда сиз...**

**а)** Мен ҳам худди у каби бақириб-чақириб жавоб қайтара бошлайман.

**б)** Бақиришига чидай олмай йиғлаб юбораман ёки хафа бўламан.

**с)** Олдин уни тинчлантиришга ҳаракат қиламан. Сўнгра нима гап бўлганлигини сўрайман.

**Саволларга жавобларни белгилагандан сўнг қуйидаги жадвалдан фойдаланасиз:**

| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **А** | 1 | 3 | 1 | 1 | 3 | 2 |
| **Б** | 2 | 1 | 3 | 2 | 1 | 3 |
| **С** | 3 | 2 | 2 | 3 | 2 | 1 |

**1.** Агар тўплаган баллингиз **6-9 баллгача** бўлса:

Сиз ҳар қандай шароитда ҳам, айниқса асабларни бузмасликнинг ҳеч иложи йўқ пайтлари ҳам ўзингизни хотиржам ва сипо тута оласиз. Бундай қатъиятли иродангиз учун сизга қойил қолса арзийди. Лекин, барча нарсани ўз ичингизга ютиб, чидаш натижасида ўз соғлиғингизга путур етказишингиз мумкинлигини ҳам унутманг. Шунинг учун баъзида жаҳлингизни ичингиздан чиқариб ташлаганингиз маъқул.

**2.** Агар тўплаган баллингиз **10-14 баллгача** бўлса:

Сиз кўпинча ўзингизни қўлга олиб, асабларингизни бузмасдан, вазиятни сақлай оласиз. Лекин, асабингиз бузиладиган ишлар тез-тез юз берса, ўзингизни тутолмай, бутун жаҳлингизни тўкиб солишингиз мумкин. Бу эса соғлиғингиз учун фойдалидир.

**3.** Агар йиғган баллингиз **15-18 баллгача** бўлса:

Сиз ўзингизнинг ҳис-туйғуларингизни ва асабларингизни жиловлаб олишга қодир эмассиз. Атрофингиздагилар учун сиз гўёки очиқ китобсиз. Сизни ҳар дақиқада, ҳар қандай одам ҳам хафа қилиши ҳеч гап эмас. Сиз фақат бир нарсани — яъни муаммолар ҳам ҳаётимизнинг бир қисми эканлигини ва бу ҳаммада бор эканлигини тушунишга ҳаракат қилинг. Шунда ҳар нарсага эътибор бериб, хафа бўлмайдиган бўласиз.

**Нодира РЎЗИМЕТОВА тайёрлади**

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Оила ва жамият

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.
Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила -133-04-35, 134-25-46

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент - 700000 Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа компанияси босмахонасида чоп этилади. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди - 21.00
Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 576. Формати А-3, ҳажми 4 босма тобоқ.
Адади - 19412
Саҳифаловчи — Акбар ШОДИЕВ.
Рассом — Набижон ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи — Т. НОРИМОВ
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДОЛИМОВ.